

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ**

ҚОҒОЗСИЗ АХБОРОТ ТАШУВЧИЛАР

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ**

ҚОҒОЗСИЗ АХБОРОТ ТАШУВЧИЛАР

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2007

78.342 (5 Ў)

Қ - 66

Илмий-методика бўлими томондан тайёрланди

<i>Тузувчилар:</i>	<i>У.Тешабоева, Ҳ.Маматраимова</i>
<i>Мухаррир</i>	<i>О.Қиличбоев</i>
<i>Матн терувчи</i>	<i>З.Жалилова</i>

Қоғозсиз ахборот ташувчилар: *Метод. библиогр. қўлл /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчилар: У.Тешабоева, Ҳ.Маматраимова; Мухаррир О. Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.-108 б. КБК 78.342+78.30*

Ушбу методик қўлланмада ҳозирги ахборотлаштириш даврида ахборот дунёсига кириб келган ва кенг тарқалиб бораётган қоғозсиз ахборот ташувчилар – электрон оптик дисклар, видеодисклар, электрон микропроцессорли картрижлар, микрофильмлар, микрофишлар тўғрисида умумий тушунчалар, изоҳлар, уларга библиографик ишлов бериш (тасвирлаш), сақлаш бўйича маълумотлар берилди.

Нашр кутубхоналар, АКМ, АРМ мутахассислари, шунингдек фаолияти хужжатларни янги ахборот ташувчиларда сақлаш билан боғлиқ бўлган ташкилотлар ходимларига мўлжалланган.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 й.

СЎЗ БОШИ

Ахборотлаштириш жадал суратда бораётган ҳозирги шароитда “қоғозсиз ахборот ташувчилар” жамият ҳаётига кириб келиб, кенг тарқалаётгани, муҳим ўринни эгаллаб бораётгани маълум.

“Қоғозсиз ахборот ташувчилар” (электрон оптик дисклар, видеодисклар, микрофильмлар, микрофишлар, шунингдек интерфаол мультимедиалар) кутубхоналар, АКМ ва АРМлар фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этиб бормоқда, бироқ бу микрошакллар ва бошқа қоғозсиз ахборот ташувчиларнинг имкониятлари ҳали тўлиқ очиб берилмаган. Бу эса улар олдида бундай ҳужжатларга ишлов бериш, сақлаш ва улар билан хизмат кўрсатиш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Қоғозсиз ахборот ташувчилар китобхон-фойдаланувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, фондни сақлаш ва қоғозли ташувчилардан бошқа ташувчиларга ўтказишда янги имкониятларни очиб бермоқда.

Шундай имкониятлардан республикамиздаги ислохот натижа-сида асос солинган АКМ ва АРМ, ҳамда бошқа кутубхоналар ҳам кенг фойдаланишлари учун уларга айнан қоғозсиз ахборот ташувчиларнинг турлари ҳақида умумий тушунча бериш, уларни сақлаш, библиографик ишлов бериш, яъни библиографик тасвирлар, улар билан истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг айрим томонлари бўйича методик маслаҳатлар бериш ушбу методик қўлланманинг мақсадидир.

Унда кутубхоналар, АКМ ва АРМлар ҳозирда ишлай бошлаган ёки кейинчалик ишлайдиган бундай ҳужжатлар турлари, хусусиятлари изоҳланади, улар билан ишлашда энг муҳим жараён бўлган – уларни библиографиялаш, яъни библиографик тасвирлаш масалаларига кенг ўрин берилди.

Қоғозсиз ахборот ташувчиларни библиографиялаш методикаси ҳужжатларни библиографик тасвирлашнинг умумий қоидаларига ва “Библиографическая запись. Библиографическое описание электронных ресурсов. Общие требования и правила составления ГОСТ 7.82-2001: Межгосударственный стандарт” га асосланади.

Қўлланма кутубхоналар, АКМ, АРМ мутахассислари ва қоғозсиз ахборот ташувчилар билан фондини тўлдирувчи ҳамда улар билан ишловчи бошқа ахборот муассасалари ходимларига мўлжалланган.

1. ГОСТ 13.1.203.-84 [СТСЭВ 5669-86]. Репрография. Микрофотография. Правила хранения микроформ.
2. ГОСТ 28376-89. Компакт- диск. Параметры и размеры.
3. ГОСТ 7.68.-95. Фоно- и видеодокументы. Общие технические требования к архивному хранению.
4. ГОСТ 7.65-92. Кинодокументы, фотодокументы и документы на микроформах. Общие требования к архивному хранению.
5. ГОСТ 7.70-2003. Описание баз данных и машиночитаемых информационных массивов. Состав и обозначение характеристик.
6. ГОСТ 7.82-2001. Библиографическая запись. Библиографическое описание электронных ресурсов. Общие требования и правила составления.

Қоғозсиз ахборот ташувчилар

Эрамингача бўлган II асрда хитойликлар томонидан яратилган қоғоз бугунги кунда аста-секин одатдаги қўлланиладиган соҳаларидан сиқиб чиқарилмоқда. Ҳозирда ҳаётимизнинг кўп жабҳаларида қоғоз ўрнини, масалан: пуллар - кредит карточкалари, хатлар - электрон почталари, қоғоз ўрамлари ўрнини полиэтиленлар эгалламоқда. Тез-тез у ёки бу ҳужжатлар параллел ҳолда бир қанча ташувчиларнинг ҳар хил турларида нашр қилинади, камдан-кам ҳолларда эса фойдаланувчилар томонидан кўплаб сўраладиган ҳужжатлар фақат компакт дисклар ёки бошқа қоғозсиз ахборот ташувчиларнинг турлари кўринишида чиқади.

Ҳозирда ИНТЕРНЕТ ёрдамида дунёнинг бир бурчагида сақланаётган ҳужжатлар бошқа бурчагига оз вақт ичида етказиб берилаётгани, шахс уйда ўтириб, компьютер ёнидан кетмасдан керакли бўлган ҳужжатлар у ёки бу кутубхонада мавжудлигини билиши, кўп ҳолларда эса унинг тўлиқ электрон нусхасини олиши мумкинлигининг гувоҳи бўляпмиз.

Қоғозсиз ахборот ташувчилар турли даражадаги кутубхоналарда фаол равишда қўлланилаёпти ва китобхон-фойдаланувчилар томонидан тушган сўроқларни қондириш борасида, шунинг-

дек, фондларни сақлашларида, уларни қоғоздан бошқа ахборот ташувчиларга ўтказишда янгидан-янги имкониятларни очмоқда. Бу ҳолда қоғозсиз ахборот ташувчилар деганда микрофильмлар, микрофишлар, шунингдек электрон ҳужжатлар кўзда тутилади ва грампластинкалар, аудио ва видеоҳужжатлар ўзига хос ахборотларни махсус ташувчилари сифатида онгли равишда чиқариб ташланади.

Маълумки, микрошакллар анъанавий нашрлардан нусхалар билан бирга мустақил микронашрлар ҳам бўлади. Баъзи вақтли нашрлар, турли статистик, архив ва нашр этилмаган ҳужжатлар фақат микроташувчиларда чиқади.

Оптик-электрон ахборот ташувчилар

Ҳозирги кунда қоғоз ва плёнкали ахборот ташувчилар ўрнига “электрон” ҳужжатлар қўлланилмоқда. Компьютер хотираси қоғоз ва сиёҳга нисбатан бир неча бор қимматлигига қарамадан, ҳужжатларни электрон сақлашда, ИНТЕРНЕТ тармоқларидан фойдаланишда фойдаланувчилар сони ҳар 2 йилда ўртача 50 фоизга ошмоқда.

1980 йилларда **CD-ROM** (Compact Disk Read Only Memory – фақат ўқиш учун компакт дисклар хотираси) пайдо бўлди. Оптик ахборот тизимлари ахборотларни идрок қилиш, қайта ишлаш, сақлашда янги имкониятларни очиб берди. Оптик ташувчилар катта ҳажмга эга. Минглаб тасвирлар битта дискга ёзилиши мумкин. CD-ROMлар ҳозирги кунда катта ҳажмдаги маълумотларни тарқатувчи ва ишлаб чиқувчи самарали усулидир.

WORM-дисклар (Write Once Read Many times) CD-дискларнинг қариндоши. Уларда ахборот бир марта ёзилиши мумкин, уни ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш мумкин эмас. WORM-дисклар – асосан тасвирий ахборотлар, шахсий архивлар, магнит тасмалардан олинган ахборотларни архив сақлашда қўлланилади.

MOD – ўчириладиган магнит-оптикали диск. У кўп қўлланиладиган ташувчи ҳисобланиб, ундаги ахборотни ўчириш мумкин ва қайтадан ёзиш имкони мавжуд.

Дискларнинг чидамлилиги

Оптик дискларнинг чидамлилигини олдиндан айтиб бериш аниқ маълумотларнинг йўқлиги билан характерланади. Стандарт тиражли CD-ROM нусхаларининг чидамлилиги 10-15 йил деган фикр устунлик қилмоқда. Махсус (платиналик) қопламани қўллаш ва технологияга аниқ риоя қилиш дискларнинг чидамлилигини 50-100 йилга оширади. Бироқ кўп тиражли нусхаларни кўпайтиришда платина қопламали дисклардан кенг фойдаланиш шубхалидир.

Бир томондан компакт-дисклар (CD-ROM) катта ҳажмдаги ахборотларни мустаҳкам ва яхши ҳимояланган, айниқса уларни бошқа турдаги дисклар, дискеталар, магнит тасмалари билан таққослашда яққол кўзга ташланади. Бошқа тарафдан машхур технологиялар ёрдамида яратилган оптик дискларнинг чидамсизлиги шундаки, улар оксидлаш ва емирилишга мойилдирлар.

Оптик дисклар 1982 йилдан кенг қўлланилади, шу сабабли уларнинг чидамлилиги 50-100 йил деган фикрга эҳтиёткорлик билан қараш керак.

Мутахассис фойдаланувчилар 10 йилдан сўнг WORM дисклардан нусха олиш мумкин, деб таъкидлайдилар. Ишлаб чиқарувчилардан бири эса, кўп қўлланиладиган магнитооптик дискларни ҳар 5 йилда қайта ёзилганда 50 йилга етади, деган фикрни айтади. Шунинг учун оптик дискларни архив ташувчи сифатида яроқлилигига шартли равишда қараш керак.

Доимий дисклардан нусха кўчиришни кўра билиш зарур, бу эса эски диск ва ахборотларни компьютердаги ёзувини янгисига солиштириб ўқишни кўзда тутаяди. Аппарат билан таъминлаш, бақувват компьютерларга эга бўлишда сарф-харажатлардан олдин янги дискларни олиш зарур. Хуллас, WORMда эски дисклардан қайта фойдаланиш мумкин эмас. Унинг дубликатини эса фақат тизимни аппаратли ва дастурий таъминлаш бўйича айнан бир-бирига ўхшашлиги билан бирликда яратиш мумкин.

Аммо ташувчиларнинг чидамлилиги – асосий муаммо эмас. Ҳар қайси вариантда ҳам у тизимнинг яшаш вақтини оширади. Замоनावий тадқиқотлар маълумотига кўра маълумотларга электрон ишлов бериш билан боғлиқ қурилмалардаги иннова-

цион цикл жуда қисқа: замонавийлашган аппаратли таъминлаш бир неча ойдан кейин амалга оширилади ва у 5 йилда эскиради. Бир неча йилдан кейин зарур тизимларнинг мавжудлиги катта муаммодир. Бошқача айтганда, ”бундай машиналарга ўз қобилиятини келажак авлодга узатмай эскириш, йўқ бўлиш каби хусусиятлар хосдир”. Бундай фикр барча турдаги ахборотларни сақлашдаги муҳим муаммо ҳисобланиб, зарур техникаларсиз уни амалга ошириб бўлмайди. Бугунги кунда перфотасмалар ва перфокарталар кимга керак? Ким ҳозирда бир неча йиллар олдин деярли стандарт бўлган беш дюймли дискеталар билан ишляпти?

Шундай қилиб, юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, сақлаш бу нусха кўчириш демакдир. Электрон ахборотлар нусхасини кўчириш (янгилаш) бир ташувчидан бошқа ташувчига оддий ўтади, дегани эмас. У бошқа шакл ва тузилмаларга ўтказишга сабаб бўлмоқда. Бирдан иккинчисига ўтказиш нусха кўчиришнинг мукамал шакли эмас. Баъзи электрон объектлар турини янги ташувчиларга ёки янги шакллардан ўтказиб бўлмайди.

Кутубхоналар инсоният томонидан яратилган билимларни сақлаши, шу билан бирга уларни келгуси авлодга етказиши лозим.

Ахборотларни электрон ташувчилари ёрдамида бу вазифа тўлиқ амалга ошади, деб ваъда бериш ҳозирда мумкин эмас. Компьютер индустрияси 40 йилдан сўнг сақланган ахборотлар йўқолиб кетмайди, деб кафолат берилмайди. Ҳолбуки, ҳозирда электрон объектларни жисмоний сақлаш муаммоси ҳал этилмаган.

Айта оламизки, электрон фондлар ахборотларга бўлган йўлни енгиллаштиради, лекин унинг юқори даражада сақланишини таъминламайди. Электрон ахборотнинг мавжудлиги уни узоқ муддат сақлашга қараганда бир неча сонияларда қабул қилиш аҳамиятлидир. Шунинг учун тасмали ташувчиларда катта ҳажмдаги ҳужжатларни узоқ муддат сақлаш фойдадан ҳоли эмас.

Электрон ахборотларни электрон бўлмаганига ўтказишда баъзи функционал турларининг йўқолишига сабаб бўлади.

Масалан, қоғоз ёки тасмадаги хужжатларни калит сўз орқали топиш мумкин бўлмайди. Шунга қарамасдан, электрон хужжатларни узоқ муддат сақлаш технологияси ҳали мавжуд эмас экан, фақат комбинацияланган услублар самаралидир.

Оптик дисклар ахборот ташувчиларнинг энг ёши ҳисобланади. Улар жадал ва мустақкам тарзда бизнинг ҳаётимизга – кутубхонага, архивга, уйга кириб келди. Электрон технологиялар ривожига катта маблағлар ажратилмоқда, бу эса янги тузилаётган ва ўтган авлодлар томонидан қолдирилган ахборотларни сақлашнинг истиқболи билан боғлиқ.

Оптик дисклар турлари (WORM, CD-ROM, MOD) тузилиши, ишлаб чиқариш технологияси ва материаллар таркиби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Шунга кўра ташқи муҳитнинг салбий кўринишларига уларнинг чидамлилиги турлича. Диск турини кўз билан кўриб ажратиш мумкин. CD-ROM дисклар икки тарафлама кумуш рангли бўлиб, бошқа турдаги дискларнинг устки қисми – тилларанг, пастки қисми яшил ёки тилла-яшил рангда бўлади.

CD-ROMдаги ахборотлар нишонларни спиралли кичкина ариқчага чизиш йўли билан ёзилади. Қайта ёзиладиган дисклар ахборотларни ёзиш ёруғликка таъсирчан яшил бўёқли қатламдаги баъзи участкаларни рангсизлантириш йўли билан амалга оширилади.

Оптик дисклар турли ҳаво шароитида сақланиши мумкин, шунга қарамасдан уларни куруқ ва совуқ жойларда сақлаш энг мақбулидир. Дискларни чанг, кир ва қуёш радиацияси тушишидан сақлаш керак.

Оптик дискларни ташқи муҳит таъсиридан сақлашнинг асосий усуллари куйидагилар:

- контейнерда сақлаш;
- қуёш нури тушадиган жойларда қолдирмаслик;
- тозалашда органик эриткичлардан фойдаланмаслик;
- устки қатламини қўл билан ушлаб уни тирнамаслик ва эҳтиёткорлик билан фойдаланмоқ;
- ҳарорат ва намлик даражасини кескин ўзгаришидан қочиш.

Ҳозирги кунда оптик дискларни сақлаш шарт-шароитлари аниқ белгиланган стандарт йўқ. Фақат баъзи фирма ва ташкилотларнинг кўрсатмалари, тавсиялари мавжуд. Умид қиламизки, келажакда бу борада стандарт ишлаб чиқилади.

Дискета - маълумотларни бир компьютердан иккинчисига ўтказиш ва маълумотларни сақлаш учун яратилган дастлабки магнитли мослама. Ҳажми билан фарқланади: 1,44 Mb; 2,88 Mb.

Zip driver - маълумотларни бир компьютердан иккинчисига ўтказиш ва сақлаш учун мўлжалланган Zip ни ўқувчи махсус қурилма. ZIPнинг ҳажми – 100 Mb; 250 Mb бўлади.

CD-R - катта ҳажмдаги маълумотларни сақлашга ва ўқишга мўлжалланган магнит юзали мослама.

CD-RW - маълумотларни ўқишга ва ёзишга мўлжалланган мослама.

DVD-R - катта ҳажмдаги маълумотларни сонли форматда сақловчи магнит юзали мослама.

DVDRW - маълумотларни сонли форматда компакт дискларга ёзувчи ва ўқувчи қурилма.

On-line - реал вақт режимидаги Интернетга кириш (“Ҳозир ва шу ерда”).

Электрон каталог

Юз йиллар олдин пайдо бўлган карточкали каталоглар кутубхоналарда керакли китобни қидиришда беқиёс ёрдам кўрсатди. Лекин бугунги кунга келиб ахборот манбаларининг йилдан-йилга кўпайиши натижасида карточкали каталогда қидириш ишлари мураккаблашиб бормоқда. Юқори технологиянинг ривожланиши, ЭҲМларнинг пайдо бўлиши билан ахборотларни каталоглаштириш ва қидиришнинг анча илғор усулларига ўзатиш имкониятларини очиб берди. Кутубхоналарни автоматлаштиришнинг муҳим ажралмас қисми бу – электрон каталоглаштиришдир.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, электрон каталог (ЭК) турли хил қидирув белгилари (калит сўзлар, муаллифлар, китобнинг сарлавҳаси, нашр этилган йиллари) воситасида ахборотни қидириб топиш, қидириш ишларини муайян муддат оралиғида чега-

ралаш ва бошқа имкониятлар яратади. Электрон каталог самарадорлиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

- карточкали каталогларга нисбатан электрон ёзувларда юқори тезликда қидириш;

- электрон каталогни тез суръатларда кўпайтириш имкониятининг мавжудлиги, яъни зарурат туғилганда ЭКни керакли нусхада кўпайтириш мумкин.

- электрон каталогга масофадан туриб кириш;

- электрон каталог қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотларни кўриб чиқиш ва керакли адабиётни танлаб олишга имкон яратади.

Бугунда карточкали каталогдан электрон каталогга ўтиш бир неча йўллар орқали амалга оширилмоқда:

1. Матн библиографик карточкадан электрон каталог маълумотлар базасига клавиатура билан терилади.

2. Библиографик карточка (БК) нусхаси сканер қилинади ва электрон каталогда библиографик ёзувлар бўйича қидирув амалга ошириш ҳамда мос библиографик карточкаларнинг тасвирини қоғозга босиб чиқариш учун уларнинг асосий элементлари клавиатура орқали таҳрир қилинади.

3. Карточка тасвирини сканерлаш йўли билан киритиш ва уларни электрон каталогда оддий қидирув белгилари (алифбодаги ҳарфлар, ББК индекслари) бўйича содда, кетма-кет кўриб чиқиб қидирилади.

4. Библиографик ёзувлар БКдан ёки кейинроқ аниқлаш мақсадида босма каталоглар саҳифаларини сканерлаш йўли билан киритилади.

INTERNET (International Network – халқаро компьютер тармоғи) – бутун дунёни қамраб олган глобал компьютер тармоғидир. Ҳозирги кунда ИНТЕРНЕТ дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатада 100 миллионлаб абонентларига эга. Ҳар ойда тармоқ миқдори 7-10% га ортиб бормоқда. ИНТЕРНЕТ дунёдаги турли хил маълумотларга оид ахборот тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқани амалга оширувчи ўзакни ташкил қилади. ИНТЕРНЕТ тармоғининг тезкорлиги, арзон, кенг қамровдаги алоқа, ҳамкорлик ишларидаги қулайлик, ҳамманинг ишлаши учун имкон

берувчи дастур ҳамда маълумотларнинг ноёб базаси эканлиги билан ҳаммани ўзига жалб қилмоқда. Яқиндан бери босма нашрларни компьютер тармоғи канали орқали тарқатиш бошланди. Тез-тез китобхонлар, фойдаланувчилар томонидан севиб ўқиладиган газета ва журналларнинг охириги маълумотларини WWW сўзларидан бошланган манзилда кўриш, шу манзилдан нусхасини кўчириб олиш имкони яртилмоқда. Шу билан бирга электрон нашрлар ташувчиларининг қамрови ойма-ой кенгайиб бормоқда. Электрон усулда чоп этилган янги-янги журналлар пайдо бўлмоқда.

Маълумотлар базаси

Маълумотлар базасининг расмий таърифи ГОСТ 20886 “Маълумотларга ишлов бериш тизимида маълумотларни ташкил қилиш. Термин ва тавсиф (таъриф)”да берилган ва ГОСТ 7.70-2003 “Маълумотлар базасини ва машина ўқийдиган ахборотлар оқимини тавсирлаш. Тузилиши ва характеристикаларни ифодалаш”да қайтарилган. Унда “Маълумотлар базаси – маълум қоидалар асосида ташкил этилган ва тасвирнинг умумий принциплари кўзда тутилаётган, амалий дастурлардан қатъий назар маълумотларни сақлаш ва манипуляция қилиш каби маълумотлар йиғиндиси”дир”. Шу ерда “маълумотлар банки” – бир ёки бир нечта маълумотлар базаси ва сақлаш, ишлов бериш ва қидириш тизимидан иборат автоматлаштирилган ахборот тизими” деб таърифланади. Бу тушунчалар маълумотлар базасининг асосий хусусиятларини очиб бермайди. Биз куйидаги вариантни бермоқчимиз: “Маълумотлар базаси (МБ) – катта миқдордаги бир турдаги таркибий қисмлардан ташкил топган, мавзуйий йиғилган ва структуралаштирилган ахборотлар оқими”. Элементлар сони (“ёзувлар”) – юздан то бир неча миллионгача. Умуман олганда маълумотлар базасининг ҳажми жуда катта бўлиши мумкин.

Маълумотлар базасидаги ҳар бир таркибий қисм бир хил тузилишга эга (“област” ёки “майдон”лардан тузилган бир хил тўпладан иборат бўлади). Майдонлар сони – иккидан бошлаб юзлаб бўлиши мумкин. Маълумотлар базасининг ўзига хос хусусияти – барча маълумотлар базаси оқимида зарур ахборотни

исталган танланган майдонлар ёки уларнинг ихтиёрий комбинациялари бўйича, шунингдек олдиндан белгиланган айрим кичик майдон (инглиз адабиётида уларни “кириш нуктаси” деб атайдилар) бўйича қидириш ва бошқа ҳаракатлар олиб бориш имкониятидир.

Маълумотлар базаси – бу фойдаланувчи компютери керакли дастур билан таъминланган бўлса қўшимча қайта ишловни талаб этмайдиган “тайёр маҳсулотдир”. Маълумотлар базасини танлаш ва эга бўлиш учун бозор нархлари таъсир этиб қолмай, балки фойдаланишнинг тижорат шартлари (нархлар, кириш (доступ) жадвали, етказиб бериш шартлари), техникавий дастур хусусиятлари (операцион тартиб, амалий дастурий таъминланганлик, маълумотлар базаси тизимини бошқариш, алоқа каналлари), вақтинчалик ҳажмий хусусиятлари (ҳажм, ёзувлар сони, ретроспективлик, тезкорлик, даврийлик, интенсивлик ва янгиланиш режими), функционал-эксплуатацион хусусиятлари (маълумотлар шакли ва таъминлаш, ахборот қидирув тиллари, индекслаш хусусияти, кодлаш тизими, ташувчи турлари, босма нашрлар, хизмат кўрсатиш турлари, фойдаланувчилар ҳамда сўровлар сони ва бошқалар) ҳам таъсир этади.

Кутубхоначиларга бу хусусиятларни тушуниб олишларида фақатгина малакали маслаҳатчи, компютер технологиясини яхши биладиган мутахассис ёрдам бера олади.

Маълумотлар базасидаги ҳужжатлар ёки тўлиқ маълумотлар базасини компютер дисплейга чиқариш (интерактив кириш) CD-ROMда (компакт дискда), дискетада, магнит тасмаларда, хуллас ташувчилар турлари билан фарқланадиган портатив ташувчиларда нашр этилиши ёки тақдим этилиши мумкин.

Шуни айтиш керакки, кутубхоналарда қайси маълумотлар базасидан фойдаланиш, уларнинг ҳажми ва параметрлари қандай эканлигини тушунишда маълум келишмовчиликлар мавжуд. Шунинг учун маълумотлар базасида кичик ҳамждаги ўнлаб ёзувлар билан бир қаторда йирик-миллионлаб ёзувлардан иборат маълумотлар бир хил ҳисобга олиниши мумкин.

Маълумот-библиографик хизмат кўрсатишда онлайнлик маълумотлар базаси (МБ) турлари.

1. Библиографик маълумотлар базаси – босма ҳужжатларга, шу жумладан вақтли ва газета нашрларидан мақолалар, конференциялар материаллари, маърузалар, ҳисоботлар, расмий ҳужжатлар (қонуний ва ҳукумат материаллари), патентлар, китобларга йўналтиришларни ўз ичига олади.

Онлайнли библиографик МБни кутубхоналар электрон каталоглари билан таққослаганда ўзига хос хусусияти – улар кўпинча вақтли нашрлардан аналитик тасвирларни ўз ичига олади ва шу туфайли нафақат китоблар ва монографияларни, балки мақолаларни ҳам қидиришнинг турли вариантлари учун фойдаланилиши мумкин. Ундан ташқари кўпгина МБ эга ахборот хизматлари ҳужжатларнинг нусхаси (ксеронусхаси ва электрон версияси)ни бериш билан боғлиқ қўшимча хизматлар кўрсатадилар Бу библиографик ахборотнинг ҳужжатлар тўғрисидаги қидириш ва ҳужжатнинг ўзини тақдим этиш вазифасини яқинлаштириш имконини яратади.

2. Тўлиқ матнли маълумотлар базаси (МБ) – СБХ имкониятларини кенгайтириб, бир ҳужжатни турли шакллардан, жумладан уларнинг тасвирини, ASCII, Text, HTML, SGML форматларида тақдим этиб, ҳужжатларнинг тўлиқ матнини беради.

3. Маълумот-манзилли МБ – анъанавий справочниклар, энциклопедиялар, луғатлар ва справка хусусиятидаги адабиётларнинг электрон эквивалентидан фойдаланишини таъминлайди. Маълумот-манзилли МБ ташкилотлар рўйхати ва тасвирини, биографик маълумотномалар, босма ёки электрон нашрлар, химик моддалар, компьютер дастурлари, аудиовизуал материаллар рўйхатини ва бошқаларни ўз ичига олади. Уларни СБХда фактографик сўроқларни бажариш учун фойдаланиши мақсадга мувофиқ, деб топилган.

Босма эквиваленти бўлмаган ноёб хусусиятли МБ ҳам тарқалган. Улар тўлиқ матнли фактографик, статистик ахборотни ўз ичига олиши мумкин.

4. Статистик маълумотлар базаси (numeric) – махсус характердаги структураланган ва ташкил қилинган ахборотдан фойда-

ланишни таъминлайди. Асосан валюта ва хом-ашё биржасидаги сотувлар бўйича маълумотларни, фирма ва компанияларнинг ҳисоботларини, бозор, маркетинг тадқиқотлари ҳисоботларини ва бошқалар ҳақидаги рақамли ва молиявий ахборотдан иборат бўлади. Статистик маълумотлар базасининг кўпи савдо-сотиқ ва бизнес соҳаларида, саноат ишлаб чиқаришда, молия-банк фаолиятида касбий ахборот билан кўмаклашувини таъминлайди. Химия, биология ва физика фанларида қўлланиладиган статистик маълумотлар базаси ҳам мавжуд. Алоҳида ҳолларда кутубхоналарда тармоқли хизмат кўрсатишда махсус ажратилган фойдаланувчилар тоифаларига хизмат кўрсатиш ҳам мумкин.

5. Мультимедиа маълумотлар базаси – матн билан биргаликда овозли, аудиовизуал ва график ахборот (фотосурат, диаграмма ва расмлар, жадваллар, харита, атласлар, ҳатто санъат асарлари ҳам)ни ҳам таништиради. Катта график файлларда узатишни чекловчи ҳозирги замонавий телекоммуникация тармоғининг техник хусусияти туфайли мультимедияли маълумотлар базасидан CD-ROM форматларида фойдаланиш афзалроқдир. Шунини айтиш керак-ки, мультимедиянинг алоҳида элементлари тўлиқ матнли электрон маълумотлар базасида, шунингдек манзил-маълумотли маълумотлар базасида ҳам иштирок этишлари мумкин.

Юқорида санаб ўтилган маълумотлар базаси мамлакат кутубхоналарининг маълумот-библиография хизмати амалиётида барча типдаги библиографик справкаларни (мавзули, услубий, фактографик, манзилли, аниқловчи) бажаришда муваффақият билан қўлланилиши мумкин.

Электрон почта – ИНТЕРНЕТнинг қулайлик соҳаларидан бири электрон почтадир. У ИНТЕРНЕТнинг энг кўп тарқалган хизмат кўрсатиш туридир. Электрон почта (ЭП) бу компьютер орқали мулоқотнинг энг универсал воситасидир. У ахборотни инсталланган компьютерга (агар улар электрон почта тармоғига уланган бўлса) юбориш мумкин. Электрон почта – бу хабарларни узатувчи глобал тармоқ. Унда компьютерларнинг турли конфигурациядаги ва мослашувдаги турлари биргаликда ишлаш учун бирлаша олади. ЭП ёрдамида дунёдаги барча ЭПга эга

бўлган шахслар, ташкилотлар, муассасалар, идоралар ва бошқалар билан алоқа ўрнатиш имкониятлари мавжуд. Энг муҳими, бу алоқа тез ва арзон. Бу усул ёрдамида дунё қитъалари билан бир зумда боғланиб, сизга ва сизнинг суҳбатдошларингизга тегишли маълумотларни ҳамда сизни қизиқтирган саволларга жавобни бир неча онларда олишингиз мумкин. ЭПда ишлаш жуда қулай ва осон бўлиб, унда ишлаш компьютер клавиатурасидаги баъзи ҳарфлар, клавишлар ва уларнинг комбинациясини босишдангина иборат.

ЭП орқали фақат матнларни эмас, балки расм, график, видео, товушлардан ташкил топган маълумотларни ҳам жўнатиш ва қабул қилиш имконияти пайдо бўлди.

ЭПнинг ажойиб хусусиятларидан бири – у масофа танламайди ва узоқ, яқин масофалар ҳам ҳар доим яқин масофадек туюлади. ЭП орқали жўнатиш хат, хабар, ҳужжат ва ҳоказолар жўнатишдан сўнг бир зумда (1-5 минут ичида ёки бир соат, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақт орасида) уни олувчига етказиб берилади. Бундан кўришиб турибдики, у экспресс почта, керакли манзилга ҳатто HDL почта деб аталувчи почталардан ҳам тез етиб боради. Уни қандай йўллардан ўтиб келганлиги хатнинг бош қисмида ўз аксини топади.

ЭПни жўнатиш қуйидаги тизим асосида амалга ошади: жўнатилаётган маълумот, ҳужжат ва бошқалар файллар сифатида ташкил қилинади ва бу файл компьютер дастурлари ёрдамида жўнатилади. Қабул қилувчи компьютер тўғридан-тўғри модем юборилаётган файлни қабул қилишга тайёр дегандан сўнг уни қабул қилади. Бундан аввал қабул қилувчи компьютер сизнинг компьютерингизни таниб, узатилаётган файлни ва паролни текширади. Агар узатилаётган компьютер номи, пароли ва маълумотлари формати мос келса, унда модем жўнатилаётган файлларни қабул қила бошлайди. Агарда текшириш натижасида парол, компьютер номи, манзили ёки юборилаётган файл формати мос тушмаса, қабул қилувчи компьютер булар тўғрисида маълумот жўнатади. Электрон почта орқали алоқа боғлаш учун юборилаётган жойда компьютер электрон почта тизимида рўйхатга олинган бўлиши шарт. ЭП орқали алоқа ўрнатишнинг

яна бир афзаллиги унинг факс орқали боғлангандаги нархдан анча пастлигидадир. Бунинг сабаби ЭП орқали жўнатиладиган маълумотларнинг жўнатиш тезлиги катталигидадир. Бундан ташқари, ихтиёрий ҳажмдаги маълумотлар, дастур умуман файлларнинг дунёнинг ихтиёрий нуктасида жўнатилиши мумкинлигидадир. Ҳозирги пайтда ЭП маълумотлар алмашинувининг энг қулай ва тез воситасига айланган.

Плёнкали ташувчиларда ҳужжатларни сақлаш

Охирги ўн йиллар мобайнида қоғознинг чидамсизлиги ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, одамзод ўзининг интеллектуал бойликларини ўта нозик материалга ишонган. Бироқ, унинг чидамсизлиги ҳақида гапирганда, урғуни тўғри қўйиш керак, чунки бир хил қоғозларнинг одамзодга хизмат кўрсатиш вақти асрларга тенг бўлса, бошқаси 20-50 йилдир. Кутубхоналарнинг доимий сақлаш фондида ўзининг 50% бирламчи чидамлилиқ даражасини йўқотган қоғозда сақланаётган катта оқимдаги ахборотлар мавжуд. Шунинг учун ҳужжатларни консервациялашнинг турли усуллари, шунингдек оммавий ишлов усуллари ҳам яратилиб ва ривожланиб бормоқда. Консервация ёрдамида нашрнинг ўзини, қўлёзмони, графика асари ва бошқаларни тўғридан-тўғри ҳимоя қилиш таъминланмоқда.

Кутубхоналар юзага келганидан бошлаб, нафақат ҳужжатларни сақловчи сифатида, балки ўз китобхоналари учун ахборот марказлари ҳам ҳисобланган. Ҳозирги жамиятда кутубхоналарнинг ахборот марказлари сифатидаги ўрни кўзга кўринарли даражада ошди. Ахборотларнинг антик (қадимги) ташувчилари – кутубхоналарда сақланаётган китоблар ва улар ёрдамида хизмат кўрсатиш шакллари кўп ҳолларда бой ахборот майдонини эгаллаган китобхоналар талабини қондира олмаяпти. Шунинг учун кутубхоналарда ҳужжатларни микрофильмлар, микрофишлар, магнит ва оптик дисклар, компьютер ёзувлари кўринишида сақлашга интилиш кучаймоқда, бу биринчидан, ахборотга бўлган талабнинг анча кенгайиши, иккинчидан XIX-XX асрларда тайёрланган қоғозларнинг-ҳужжатларнинг чидамсизлигидан, учинчи-

дан, китоб сақлайдиган жойларнинг доимий етишмаслигидандир.

Хужжатларни қоғозсиз ташувчиларга кўчиришнинг барча мавжуд усулларининг биринчи навбатдаги мақсади, ахборотларни сақлашдаги консервациянинг билвосита усули деб қараш мумкин. Шу билан бирга кўлёзма ёдгорликлар, асл босма нашрларни шикастланиш ва эскиришдан ҳимоя қилиш имкони ҳам туғилади. Бундай билвосита консервация тизимидаги муҳим таркибий қисм – микрошакллардир.

Кутубхоналарда 1950 йиллардан эътиборан микрошакллар билан ишлаш бошланган. Ҳозирги кунда кутубхона ва архивларда қандай хужжатлар микрофильмлаштирилади? Йирик давлатлар кутубхоналари ўзларининг газета фондларини микрошаклларга ўтказмоқдалар ва кўп ҳолларда фойдаланувчиларга асл нусхани эмас, балки микрофильмларни бермоқдалар, чунки газеталардан доимий равишда фойдаланилмаса ҳам у қоғоз сифатининг бузилишига олиб келади. Микрофильмлаштиришнинг яна бир ижобий томони, катта ҳажмдаги газеталарни кутубхоналараро абонемент орқали юбориб бўлмаслигидадир. Ниҳоят яна бир асосий сабаб, бу газета фонди заҳираларида катта майдонларни эгаллайди. Кам сақлаш майдонларини талаб қиладиган микрофильмлар фонди газеталарни сақлаш ва фойдаланишга альтернатив ёндошиш имконини беради.

Кутубхоналарда микрошаклларнинг икки тури қўлланилади: микрофильмлар ва микрофишлар. Микрошаклнинг тури ташувчининг ҳажми (ўрам ёки ҳажмли плёнка), шунингдек унда микроасвирнинг жойлашиш усули билан аниқланади. Тасвир турига қараб, негатив ёки позитив микрошаклларга ажратилади. Фойдаланиш учун доим позитив мўлжалланган, ҳеч қачон негатив танланмайди.

Хужжатлар микрошакллари, айниқса доимий ва узок муддат сақланадиган микрошакллар фонди махсус сақлаш шарт-шароитларини талаб қилади. Плёнка қоғозга нисбатан сув ва олов ёрдамида тез шикастланишини доим ёдда тутиш лозим. Плёнкаларга ҳам, қоғоздагидек, сақлашда ёруғлик режими муҳим. Заҳиралар ва ўқув залларига қуёш нурининг тўғридан-тўғри тушиши мумкин эмас.

Турли типдаги ахборот ташувчиларнинг чидамлилиги прогнози

Ахборот ташувчисининг тури	Ахборот ташувчисининг чидамлилиги, йиллар
Ёғоч массаси таркибли қоғоз	30-50
Узоқ муддатли қоғоз	100 йиллар
Пергамен	1000
Тасвирнинг полиэфир асосли кумушгалогенли ташувчи микроплёнкалар	1000
Хромогенли рангли плёнкалар	100
Магнит тасмалар	10-30
Дискеталар	10-30
Оптик дисклар (WORM, CD-ROM)	10-30

Электрон хужжатлар билан китобхонларга хизмат кўрсатиш

1990 йиллар телекоммуникация воситаларини ривожлантиришда кескин ўзгариш ва кутубхона фойдаланувчиларининг ИНТЕРНЕТ ресурслари билан ишлашларига имкон яратилиши билан характерланади. Бир вақтнинг ўзида кутубхоналар нашрларни анъанавий ташувчилардан электрон шаклларга ўтказиш технологияларини фаол равишда қўллай бошладилар. Бу хужжатларни сақлашни таъминлаш билан бирга фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги имкониятларини очиб беради. Библиографик тасвирнинг, аннотация, реферат ва хужжатнинг тўлиқ матнини бир зумда олиш имконияти билан характерландиган универсал фойдаланиш босқичи бошланди. Хужжатларнинг электрон нусхаларини телекоммуникация тармоқлари орқали узатиш – ахборот олишнинг маконий тўсиқларини бартараф этди. Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги шакллари – хужжатларни электрон етказиш ва электрон справка хизмат кўрсатиш ривожланди. Хизмат кўрсатишнинг бу икки шакли ҳам фақат тармоқ муҳити учун характерлидир.

Ҳозирги кунда ҳужжатларнинг турли ойнайли шакллари ташкил этилмоқда: электрон китоблар ва журналлар, мақолалар, ўқитиш дастурлари, график ва мультимедия материаллар, хариталар. Одатда ойнайли электрон ҳужжатлар деганда фойдаланувчиларга узокдан кириш режимида тўлиқ матнлар, унинг қисмлари, алоҳида маълумотлар акс этган рақамли шаклларнинг тақдим этилиши тушунилади.

Ҳар қандай жисмоний шахслар, шунингдек ташкилотлар, нашриётлар, илмий марказлар, кутубхона, фирма, янгиликлар агентлиги ҳам ойнайли электрон ҳужжатлар муаллифи ёки ишлаб чиқарувчиси бўлиши мумкин.

Ойнайли ҳужжатларнинг асосий ва ўзига хос хусусияти шундаки, ҳужжатларнинг идентификацияли (ўхшаш) харақтеристикаси ўзгариши мумин. Гап муаллиф, сарлавҳа, мундарижанинг ахборот маконида жойлашиши ҳақида кетмоқда.

Айниқса жойлашган ҳолати тез ўзгарадиган тавсифнома бўлиб, у фойдаланувчиларга ҳужжатларни тақдим этиш қийинчилигини, шунингдек, уларни аниқлаш, рўйхатга олиш ва тасвирлаш мураккаблигини келтириб чиқаради.

Ҳозирда кутубхоналарда тўлиқ матнли электрон нашрларнинг интеграллаштирилган (яҳлит ҳолга келтирилган) оқимлари ташкил этилмоқда ва хизмат кўрсатиш бўлимлари уларга киришни таъминлайди. Тўлиқ матнли ҳужжатлар мажмуини таърифлаш (аниқлаш)да “Электрон кутубхона” термини ишлатилади. Кўриниб турибдики, электрон кутубхона – бу фақатгина ахборотлар мажмуигина эмас, балки хизмат кўрсатиш, ўқитувчиларни қўллаб қувватлайдиган воситалар, илмий тадқиқотлар ҳамдир.

Бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатиш тизимида олдин иштирок этмаган янги фаолият йўналиши шаклланмоқда. Булар: ойнайли справка-библиографик фондини тузиш, электрон почта орқали фойдаланувчилар сўроқлари асосида хизмат кўрсатиш, кутубхоналар Web-сайтлари билан ишлаш ва бошқалар тушунилади.

Справка хизмати кўрсатишда тадбиқ этилган баъзи электрон ресурслар таҳлили ҳақида батафсил тўхталамиз. Умуман олганда

электрон ресурслар билан ишлашнинг куйидаги технологик имкониятлари мавжуд:

- шахсий локал электрон оқимини ташкил этиш ёки кутубхона серверида жойлаштириш учун бевосита таъминлаш;
- CD-ROM ёки DVD-ROM махсулотларидан фойдаланиш;
- ИНТЕРНЕТ орқали электрон ресурсларга кириш.

Биз электрон маълумотлар базаси, маълумотлар мажмуининг электрон шакли ва онлайн режимида электрон журналлардан фойдаланиш кабилар ҳақида маълумот берамиз.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш жараёнида ИНТЕРНЕТ ва Web-ресурслардан фаол фойдаланилмоқда. Махсус гуруҳлардан ташқари, справка ахборотларини қўллашдаги потенциал манбалар гуруҳи ажратилади ва улар онлайнли справка-библиографик хизмат кўрсатишдан фаолроқ фойдаланмоқдалар. Булар муассаса ва ташкилотлар, фирмалар, томонидан тузилган универсал ва соҳа характеридаги Web-сайтлардир. Улар учун ахборот фаолияти асосий фаолиятларига нисбатан иккиламчидир: йирик китоб нашриётлари сайтлари, журналлар, газеталар, янгиликлар агент - лиги, саноат корпорациялари, илмий марказлар, давлат муассасалари, савдо палаталари, музейлар, спорт клублари ва туристик фирмалар. Санаб ўтилган сайтларнинг барчаси фойдаланувчиларга очиқ ва справка-библиографик хизмат кўрсатишда фактографик характеридаги сўроқларни тезкорлик билан (оператив) бажаришда катта имкониятларга эга. Тайёр справкаларга керакли махсус мега-сайтлар гуруҳи ташкил этилади. Бундай мега-сайтлар жуда яхши ташкил этилган ва анъанавий равишда тайёр справкаларни бажаришда ишлатиладиган машҳур справка манбалари (энциклопедиялар, луғатлар, справочниклар, цитаталар тўплами, манзил-справкали материаллар) йўналтирилган тизим билан таъминланган.

Умуман олганда ахборотларнинг потенциал манбалари сифатида Интернетда тақдим этилган барча электрон нашрлари кўрилиши мумкин. Справка библиографик хизмат кўрсатишда улардан фойдаланиш самародорлиги бир қанча илмий тадқиқотлар натижалари билан исботланган.

Электрон китоб шаклидаги “Ҳидоя”

Шайхулислам Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг 4 жилдлик “Ҳидоя” номли асарининг биринчи жилди бўйича электрон китоб яратилди. Мазкур электрон китобда асарнинг араб, ўзбек тилининг лотин ва кирилл шрифтларидаги кўринишларини ифодаловчи лавҳа бандлари жойлаштирилиб, бош лавҳада Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, унинг 910 йиллик юбилейи ва шу муносабат билан қурилган ёдгорлик мажмуаси ҳақидаги видеолар ҳам акс эттирилган.

Вертикал лавҳа йўналишида эса бош лавҳадан сўнг, таҳорат ва амалий ибодатлар ҳақидаги маълумотлар асосида динамик ўзгарувчан файллар ташкил этилган.

Ушбу электрон китобда қидирув тизимини йўлга қўйиш, фойдаланувчиларнинг матн тузилмасига китоб, боб ва фасллар бўйича кириб бориши, мультимедиа, яъни матнларнинг жойлашуви, анимация ва аудио билан ишлаши учун қулай имкониятлар яратилган. Бунда замонавий ахборот тизимлари кўринишидаги электрон китобларнинг қоғозсиз технологияларига асосланган фазилати билан чегараланиб қолмасдан, асарнинг ва тегишли билим соҳасининг малакавий талаблари, фойдаланиш жараёнига хос хусусиятлар, шунингдек, фойдаланувчилар тоифаларининг қизиқишлари ва билим кўникмалари инобатга олинган. Электрон китобга қадимги қўлёзма ҳолидаги “Ҳидоя”нинг график тасвири ҳам илова қилинган.

Электрон ресурсларни библиографик тасвирлаш

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу методик тавсиялар компьютерда бошқариладиган, жумладан компьютерга уланган периферияли қурилмадан фойдаланишни (масалан, дисководнинг CD-ROM) талаб қилувчи электрон ахборот ресурслари библиографик тасвирларни тузиш учун объект ҳисобланади. Электрон ресурслар электрон маълумотлар (сонлар, ҳарфлар, белгилар ёки уларнинг комбинациялари), электрон дастурлар (маълум вазифаларни, жумладан маълумотларга ишлов беришни ҳам бажаришни таъминлайдиган операторлар ёки кичик дастурлар) ёки бу турларнинг бир ресурсдаги бирлиги ҳисобланади. Фойдаланилиш тартибига боғлиқ ҳолда улар маҳаллий фойдаланиш ресурслари (фойдаланувчи томонидан компьютерга жойланиши лозим бўлган алоҳида жисмоний ташувчида акс этган ахборот билан) ва узокликдан фойдаланиш ресурслари (винчестердаги ахборотли ёки бошқа эслаб қолувчи қурилма ёхуд ахборот тармоқлари, масалан, интернетга жойланган ахборотли) га бўлинади.

1.2. Электрон ресурснинг библиографик тасвири библиографик ёзувнинг асосий қисми бўлиб, белгиланган қоидалар бўйича келтирилган ва электрон ресурсли идентификациялаш, шунингдек унинг мазмуни, мўлжалланиши, жисмоний тавсифномаси, тизимли талаблари, фойдаланилиш тартиблари, тарқатиш усуллари ва ҳ.к. тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун библиографик маълумотларни беради.

Электрон ресурснинг библиографик тасвири соҳаларга бирлаштирилган ва (ГОСТ 7.1. ва ГОСТ 7.82 бўйича) белгиланган кетма-кетликда жойлаштирилган таркибий қисмлардан ташкил топади. Библиографик тасвирнинг таркибий қисмлари мажбурий ва ихтиёрийга бўлинади. Ихтиёрий таркибий қисмлар соҳалар ва таркибий қисмлар рўйхатида алоҳида белгилаб кўрсатилган.

Библиографик тасвир библиографик ёзувнинг турли қисмлари СИБИДнинг бошқа стандартлари учун объект бўладиган

сарлавҳа, предмет рукнлари ва ҳ.к. билан тўлдирилиши мумкин. Библиографик ёзув сарлавҳасининг тузилиш қоидаси ГОСТ 7.80 билан белгилаб қўйилган.

Турлари ва ресурс ҳажми соҳаси ва жисмоний тавсифномаси соҳаси бу тур ҳужжатлар учун ўзига хос ҳисобланади.

Электрон ресурсни кенг туркумдаги ҳужжатлар сифатида ифодалаш материални умумий ифодалаш сифатида сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисида маълумот соҳасида акс этган.

1.3. Электрон ресурсни библиографик тасвирлаш учун ахборот ресурснинг чиқиш маълумотлари маълум қисмларидан ва бошқа манбалардан уларнинг фойдаланиш тартибига мувофиқ олинади.

1.3.1. Электрон ресурсдаги мавжуд ахборот манбаи бошқа барча манбалардан афзал ҳисобланади. Бу ахборот титул экранда асосий менюда, дастур ҳақидаги маълумотларда, ахборотни экранга биринчи чиқаришда, шунингдек, аниқ ажратилган идентификацияланадиган ҳар қандай маълумотларда расмий иштирок этиши зарур. Агар юқорида эслаб ўтилган бир неча манба фойдаланилса, у ҳолда уларнинг комбинацияси ягона манба сифатида қаралади.

Агар барча ресурсга умумий манба бўлмаса, унинг алоҳида қисмлари эса хусусий ички манбаларга эга бўлса, у ҳолда улар ҳам ягона манба сифатида қаралади. Агар ички манбалар етарли бўлмаса, шунингдек, уларни ўқиб бўлмаган ҳолда бошқа манбалар қуйидаги тартибда фойдаланилади:

ресурснинг жисмоний ташувчисидagi белгилар ёки ёрликлар;
техник ҳужжатлар, бошқа илова материали ёки контейнер (кути, конверт, папка ва ҳ.к.);

электрон ресурсдан ташқаридаги справка нашрлари ва бошқа манбалар, масалан, метамаълумотлар.

Агар контейнерга бир нечта ҳужжат киритилган ва фақат унга умумий сарлавҳа берилган бўлса, у ҳолда алоҳида ҳужжат маълумоти эмас, контейнерларда берилган маълумотлар манба сифатида олинади.

1.3.2. Электрон ресурснинг ҳар бир тасвир соҳаси учун белгиланган ахборот манбалари ўрнатилган.

Соҳа	Белгиланган манба
Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисида маълумотлар соҳаси	Ички манбалар, ёрликлар, жисмоний ташувчидаги белги, техник ҳужжатлар, бошқа илова материали ёки контейнер
Нашр соҳаси	-“-
Ресурс тури ва ҳажми соҳаси	Ҳар қандай манба
Чиқиш маълумотлари соҳаси	Ички манбалар, ёрликлар, жисмоний ташувчидаги белги, техник ҳужжатлар, бошқа илова материали ёки контейнер
Жисмоний тавсифномаси соҳаси	Ҳар қандай манба
Сериялар соҳаси	Ички манбалар, ёрликлар, жисмоний ташувчидаги белги, техник ҳужжатлар, бошқа илова материали ёки контейнер
Эслатмалар соҳаси	Ҳар қандай манба
Стандарт номери соҳаси	Ҳар қандай манба

Ушбу соҳа учун белгиланмаган манбадан олинган, шунингдек электрон ресурсни таҳлил қилиш асосида ифодаланган маълумотлар квадрат қавс ичига олинади.

1.4. Тасвир ресурсда маълумотлар берилган тилда ва ёзувда тузилади. “Материалнинг умумий ифодаланиши” қисмида ресурс тури ва ҳажми, жисмоний тавсифномаси, эслатмалар ва халқаро стандарт номери соҳаларида маълумотлар библиографияловчи муассаса танлаган тилда берилади.

Ресурсни библиографияловчи муассаса тили ва ёзувидан фарқланадиган тилда ва ёзувда тасвирлаш шу ҳарфларга ўтказиб ёки транскрипцияда квадрат қавсиз берилиши мумкин.

1.5. Биринчи соҳанинг биринчи қисмидан ташқари тасвирнинг ҳар 1 қисмидан олдин ёки ундан кейин белгиланган тиниш белгилари қўйилади. Ҳар бир белгиланган белгидан олдин ва

кейин босмахона усули билан босишда бир ҳарфга тенг келадиган бўш жой қўйилади, охирида бўш жой қўйиладиган нуқта ва вергул бундан мустасно. Қавслар бир белги сифатида қаралади ва бўш жой биринчи қавсдан олдин ва охириги қавс белгисидан кейин қолдирилади.

Ҳар бир соҳадан олдин (биринчи соҳа бундан мустасно) нуқта ва тире қўйилади, унинг ҳар икки томонида эса бўш жой қолдирилади. Агар бу соҳа абзацдан бошланса, у полиграфик восита ёрдамида ажратилган ёки сатр боши бўлса, нуқта ва тире олдинги соҳа охирида нуқта билан алмаштирилади. Соҳалар ичида қуйидаги тиниш ва математик белгилар белгиланган:

- . нуқта;
- , вергул;
- : икки нуқта;
- ; нуқта – вергул;
- / қия чизиқ;
- // икки қия чизиқ;
- () думалоқ қавслар;
- [] квадрат қавслар;
- + қўшув белгиси;
- = тенглик белгиси.

Библиографик тасвир қисмларида тиниш белгилар ёки алоҳида иборалар тасвир тузилган тил меъёрларига мувофиқ бўлади.

1.6. Бош ҳарфлар ҳужжатда қандай ҳарфларда кўрсатилишидан қатъий назар библиографик тасвир тузилган тилнинг ҳозирги давр грамматик қоидаларига мувофиқ ҳолда қўлланилади. Ҳар бир соҳанинг биринчи сўзи, шунингдек айрим қисмларнинг биринчи сўзи (материалнинг умумий ифодаланиши, ҳар қандай соҳанинг ҳар қандай сарлавҳаси) бош ҳарф билан бошланади.

Матннинг мазмунини бузувчи хато ва матбаа хатоси электрон ресурсдан ўзгаришсиз акс эттирилади. Улардан кейин квадрат қавсда “яъни” сўзи ёки унинг бошқа тилдаги эквиваленти белгиланган қисқартириш (масалан, “т.е.”) билан тўғри ёзилиши берилади. Тушириб қолдирилган ҳарфлар ёки рақам-

ларни квадрат қавсга олиб бериш мумкин. Хужжатда матн мазмунини ўзгартирадиган хато ва матбаа хатолари мавжуд ҳолда библиографик тасвирда маълумотлар тузатилган ҳолда келтирилади ва тузатиш изохланмайди. Полиграфик воситалар билан тасвирлаш мумкин бўлмаган рамзлар уларнинг ҳарф ёки сўз шаклидаги эквиваленти билан алмаштирилади ва квадрат қавсда келтирилади.

1.7. Сўз ва сўз бирикмалари амалдаги меъёрий хужжатлар (ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12)га мувофиқ қисқартирилади, шунингдек жисмоний қиймат бирлиги белгиларига умумий қисқартириш ва электрон ресурснинг айрим жисмоний тавсифномасига бирхиллаштирилган қисқартиришлар қўлланилади.

2. Библиографик тасвирнинг таркиби ва тузилиши

2.1. Электрон ресурслар тасвирининг соҳалари ва таркибий қисмлари рўйхати (белгиланган тиниш белгиларини қўйиш тизими билан)

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисида маълумотлар соҳаси

		Асосий сарлавҳа (<i>Материалнинг умумий ифодаланиши</i>)*
*	=	<i>Параллел сарлавҳа</i>
*	:	<i>Сарлавҳага тегишли маълумотлар</i>
		Жавобгарлик тўғрисида маълумотлар
	/	Жавобгарлик тўғрисида биринчи маълумотлар
	:	Жавобгарлик тўғрисида кейинги маълумотлар

Нашр соҳаси

		Нашр тўғрисида маълумот
*	=	<i>Нашр тўғрисида параллел маълумотлар</i>
		Нашрга тегишли жавобгарлик тўғрисида маълумот
	/	Биринчи маълумотлар
*	;	<i>Кейинги маълумот</i>
*	,	Нашр тўғрисида қўшимча маълумотлар

Ресурс тури ва ҳажми соҳаси

Ресурснинг ифодаланиши
(ресурс ҳажми)

Чиқиш маълумотлари соҳаси

		Нашр жойи, ишлаб чиқариш ва (ёки) тарқатилиши
*		Биринчи нашр жойи
*	:	<i>Кейинги нашр жойи</i>
	:	Ношир, ишлаб чиқарувчи ва (ёки) тарқатувчининг номи
	,	<i>Нашр, ишлаб чиқариш ва (ёки) тарқатилиш санаси</i>
*	(<i>Тайёрланган жойи</i>
	:	<i>Тайёрловчининг номи</i>
	,	<i>Тайёрланиш санаси</i>

Жисмоний тавсифномаси соҳаси

		Материалнинг ўзига хос ифодаланиши ва жисмоний бирликлари сони
	:	Расмлар ва бошқа жисмоний тавсифномалар
	:	Ўлчови
*	+	Илова материали тўғрисида маълумот

Сериялар соҳаси

	(Сериянинг ёки серия остида чиққан нашрнинг асосий сарлавҳаси
*	=	<i>Сериянинг ёки серия остида чиққан нашрнинг параллел сарлавҳаси</i>
*	:	<i>Серия ёки серия остида чиққан нашрнинг сарлавҳасига тегишли маълумот</i>
	/	Серия ёки серия остида чиққан нашрга тааллуқли жавобгарлик тўғрисида маълумот
	/	Биринчи маълумотлар
*	;	<i>Кейинги маълумотлар</i>
	,	Серия ёки серия остида чиққан нашрнинг (ISSN)
	:	Серия ёки серия остида чиққан нашр ичидаги тартиб номерлари)

Эслатмалар соҳаси

Стандарт номери (ёки унинг альтернативи) ва фойдаланиш қоидалари соҳаси

		Стандарт номери (ёки унинг альтернативи)
	=	Муҳим (калит) сарлавҳа
	:	Фойдаланиш қоидалари ва (ёки) нархи

- Библиографик тасвирнинг ихтиёрий қисмлари қия босма харфлар билан келтирилган.

Электрон ресурс тасвирининг схемаси

Асосий сарлавҳа [Материалнинг умумий ифодаланиши] = Параллел сарлавҳа: Сарлавҳага тегишли маълумотлар /Жавобгарлик тўғрисида маълумотлар. Нашр тўғрисида маълумот = Нашр тўғрисида параллел маълумот Нашрга тааллуқли жавобгарлик тўғрисида маълумот, нашр тўғрисида қўшимча маълумотлар.- Ресурс турининг ифодаланиши (ресурснинг ҳажми).-Нашр жойи: ноширнинг номи, нашр санаси (тайёрланган жойи: тайёрловчининг номи, тайёрланган санаси).-Материалнинг ўзига хос ифодаланиши ва жисмоний бирликлар сони: бошқа жисмоний тавсифномаси; ўлчами + илова материали тўғрисида маълумот.- (Сериянинг ёки серия остида чиққан нашрнинг асосий сарлавҳаси = Сериянинг ёки серия остида чиққан нашрнинг параллел сарлавҳаси: Серияга ёки серия остида чиққан нашр сарлавҳасига тегишли маълумот /Серияга ёки серия остида чиққан нашрга тааллуқли жавобгарлик тўғрисида маълумотлар, ISSN; серия ичи ёки серия остида чиққан нашрнинг чиқиш сони).-Эслатма.- Стандарт номери.-Таянч сарлавҳа: фойдаланиш шартлари ва (ёки) нархи.

2.2. Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисида маълумотлар соҳаси

2.2.1. Асосий сарлавҳа – белгиланган ахборот манбаида ундан олдин бошқа маълумотлар берилган бўлсада, у тасвирнинг биринчи қисмидир.

Асосий сарлавҳа электрон ресурснинг бош сарлавҳасидир ва ахборот манбаида у қандай берилган бўлса, шу кўринишда тасвирланади. Асосий сарлавҳа турли шаклларга эга бўлиши мумкин.

2.2.1.1. Асосий сарлавҳа мавзули ёки фақат ҳужжатнинг турини ёки асар жанрини кўрсатиб берувчи атамадан иборат бўлиши мумкин.

Электрон рубрикатор

Промышленные каталоги

Юридический справочник для всех

2.2.1.2. Асосий сарлавҳа шахснинг оти ёки ташкилотнинг (тўлиқ ёки қисқартирилган) номидан ёки уларнинг сарлавҳа билан грамматик боғлангани ёки бошқалардан ташкил топиши мумкин.

Большая энциклопедия Кирилла и Мефодия

Материалы ЮНЕСКО

2.2.1.3. Асосий сарлавҳа исми-шарифлар ёки акронимлар, рақамлар ва бошқа белгиларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

БД ГОСТ

Microsoft NSDN Library

DATAPRO worldwide I Tanalyst

Белгиланган манбада мавжуд, аммо асосий сарлавҳа сифатида танланмаган сарлавҳанинг тўлиқ шакли сарлавҳага тегишли маълумот ёки жавобгарлик тўғрисида маълумот сифатида келтирилади.

2.2.1.4. Асосий сарлавҳа “ёки” боғловчиси билан боғланган икки тенг ҳуқуқли сарлавҳадан ёхуд унинг эквиваленти (альтернатив сарлавҳа ёки бошқа тилдаги сарлавҳа)дан таркиб топиши мумкин.

Золотой ключик, или Приключения Буратино
Асосий сарлавҳа ҳам бир неча гапдан тузилиши мумкин.
Третий Рим. Борьба за престол
Компьютеры и комплектующие. Ортехника. Периферия.
Аудио-видео- и бытовая техника. Средства связи. Автомобили.

2.2.1.5. Агар ҳужжат икки (ёки ундан кўп) алоҳида асардан ташкил топган ва алоҳида асарларнинг сарлавҳалари билан бирга умумий сарлавҳага ҳам эга бўлса, асосий сифатида электрон ресурснинг умумий сарлавҳаси олинади. Алоҳида асарларнинг сарлавҳалари эслатмада келтирилади.

Большой толковый словарь английского и русского языков
(Эслатмада: *Содерж.: Большой Оксфордский словарь. Толковый словарь живого великорусского языка / Владимир Даль*)

Learn to speak Franch. Module 1, Beginner Level

2.2.1.6. Агар бўлим, илова, қисмнинг сарлавҳаси ушбу бўлим, илова ёки қисмни идентификациялаш учун етарли ҳолда мустақил бўлса асосий сарлавҳа фақат бўлим, илова, қисмнинг сарлавҳасидан ташкил топиши мумкин. Бу ҳолда асосий сарлавҳа сериялар соҳасида кўрсатилади.

U.S. grain sales and shipments

(серия соҳасида: *GSR agricultural surveys.*

Белгиланган манбада: GSR agricultural surveys. U.S. grain sales and shipments)

2.2.1.7. Электрон ресурс умумий сарлавҳасиз икки (ёки ундан кўп) алоҳида асарни ўз ичига олиши мумкин. Бундай ҳужжатда асосий сарлавҳа бўлмайди. Алоҳида асарлар сарлавҳаси берилган ахборот манбаида жойлашиш тартибига мувофиқ ҳолда келтирилади. Материалнинг умумий тавсифномаси биринчи сарлавҳадан кейин келтирилади. Алоҳида асарлар сонини биринчи учтасигача чеклаш мумкин, тушириб қолдирилган бошқа асарлар кўп нуқта билан белгиланади.

Противостояние [Электронный ресурс]; Опаленный снег /ДОКА Company

Crisis [Electronic resonance]; Wilder ness /Lydia Horsfall

2.2.1.8. Агар электрон ресурсда бир белгиланган ахборот манбаи бўлиб, аммо унда бир ва (ёки) бир хил ёзувда сарлавҳанинг бир неча кўриниши бўлса, асосий сарлавҳа сифатида полиграфик ажратилган ёки тартиб билан жойлаштирилган сарлавҳаларнинг биринчиси танланади. Агар белгиланган манбалар бир нечта бўлса, у ҳолда асосий сарлавҳа манбаи сифатида икки (ёки бир нечта) кетма-кет тақдим этилган манбаларнинг биринчиси танланади.

2.2.9. Хужжатда сарлавҳа бўлмаса у хужжатни таҳлил қилиш асосида шакллантирилиши ва квадрат қавсда берилиши мумкин. Асосий сарлавҳа сифатида матннинг биринчи сўзи ёки титуль экранига чиқарилган бутун матн келтирилиши мумкин.

[База данных о зарубежных книгах]

2.2.2. Материалнинг умумий ифодаланиши ресурсга тааллуқли бўлган материалнинг синфига кўрсатмани ўз ичига олиши мумкин. У айниқса библиографик кўрсаткич ва кутубхона каталогига киритилган, ахборотни бошқа жисмоний ташувчидаги хужжатларнинг библиографик ёзувини ўз ичига олган электрон ресурсларнинг библиографик тасвири учун зарурдир.

Материалнинг умумий ифодаланиши сарлавҳадан кейинок квадрат қавсда библиографияловчи муассаса тилида ва ёзувида қисқартиришсиз берилади.

Масалан, рус тилидаги нашрлар учун:

[Электронный ресурс]

Бошқа тиллардаги хужжатлар учун инглиз тилидаги ифодасидан фойдаланиш тавсия қилинади:

[Electronic resours]

Агар хужжат электрон ресурс бўлса ва у тоифага тегишли бўлган қўшимча материалга (масалан, китоб нашри) эга бўлмаса, у ҳолда умумий ифодаси фақат асосий хужжатга тааллуқли бўлади. Қўшимча материал тўғрисида маълумотни ё сонли характеристикаси соҳасида, ёки эслатмалар соҳасида, ёхуд ўзига хос маълумотлар сифатида кўрсатиш тавсия этилади.

Английский язык для общения [Электронный ресурс]

(Электрон ресурсга қўшимча материал қўйилган: аудио-кассетали дарслик)

2.2.3. Параллел сарлавҳа асосий сарлавҳанинг эквиваленти сифатида худди шундай шакл ва шундай кўрсатиш қоидаларига эга. Агар у белгиланган манбада мавжуд бўлса, кўрсатилади.

Асосий сарлавҳанинг тилига нисбатан асл нусханинг бошқа тилдаги сарлавҳаси агар у белгиланган манбада кўрсатилган бўлса параллел сифатида қаралади. Параллел сарлавҳалар сони библиографияловчи муассасанинг ихтиёрига кўра белгиланади. Ҳар бир параллел сарлавҳадан олдин тенглик белгиси қўйилади.

Императорские дворцово-парковые ансамбли Санкт-Петербурга [Электронный ресурс]=The imperial palace and park ensembles of st. Petersburg=Les pares et palais imperieux de St. Petersburg

2.2.4. Сарвалҳага тегишли маълумотлар асосий сарлавҳани очиб ва тушунтириб берувчи ахборотни ўз ичига олади. Сарлавҳага тегишли ҳар бир бошқа-бошқа маълумотлар ёки бир хил маълумотлар гуруҳидан олдин икки нукта қўйилади.

Энциклопедия Российского права [Электронный ресурс]: справ. правовая система для профессионалов. Московский выпуск: законодат. и норматив. акты органов власти г. Москвы и Моск. обл., формы док.: электрон. бюл.

Сарлавҳага тааллуқли бир хил маълумотлар белгиланган ахборот манбаида қўлланилган белгилар билан бир-биридан ажратилади.

: ҳолати, муаммолар, истиқболлари

: dioses-simbolos-herols

Манбада бир хил маълумотлар орасида белги бўлмаса улар нукта билан ажратилади.

: Фонтаны Петергофа. Павловск. Царское Село

2.2.5. Ресурснинг маънавий ёки бадиий мазмуни учун жавобгар бўлган шахс ёки ташкилотга тааллуқли маълумотлар жавобгарлик тўғрисида маълумотларда умумий қоида бўйича шакли, сони ва берилиш кетма-кетлиги бўйича ёзилади.

Жавобгарлик тўғрисида маълумотларда электрон ресурсда бевосита асарлари мавжуд шакллар: ёзувчилар, дастурчилар, ихтирочилар, бастакорлар, матн муаллифлари, мусаввирлар, муҳаррирлар, тузувчилар, таржимонлар, ишланма муаллифлари,

дизайнерлар, видеоматериал режиссерлари ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар уларнинг ҳужжатни яратишдаги ролини белгиловчи сўзлар, шунингдек ушбу ресурс яратилган ишларнинг муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар билан бирга кўрсатилиши мумкин.

2.2.5.1. Ташкилотлар электрон ресурсни яратиш, тайёрлаш ёки амалга жорий этишда иштирок этган бўлса, шу билан бирга уларнинг бу ролини ресурсдан ёки бошқа манбадан аниқлаш мумкин бўлса, улар тўғрисидаги маълумотлар тасвирга киритилади. Агар уларнинг ролини аниқлаб бўлмаса, у ҳолда ташкилотнинг номи эслатмалар соҳасида кўрсатилади.

2.2.5.2. Агар белгиланган манбада ҳомий ташкилот тўғрисидаги маълумот кўрсатилган ва ҳомий ва ҳужжат ўртасидаги ўзаро боғлиқлик сўз ва ибора билан аниқ ифодаланган бўлса бу ахборот ҳам жавобгарлик тўғрисида маълумотларда берилади.

2.2.5.3. Агар шахснинг оти ёки ташкилотнинг (шу жумладан ҳомий жамоа) номи тасвирнинг бошқа қисмлари билан грамматик боғланган бўлса, улар шу қисмнинг бўлаги сифатида ёзилади.

2.2.5.4. Жавобгарлик тўғрисида маълумотлар электрон ресурсни яратишда уларнинг ролини аниқловчи илова сўзлари ёки қисқача матн билан, ёки бундай сўзлар ва матнсиз шахс оти ва ташкилот номидан ташкил топиши мумкин.

/ By a team of programmers and teachers

/ Arden Wilson; with graphics by the author

2.2.5.5. Жавобгарлик тўғрисида маълумот фақат номсиз матндан агар бундай матн маънавий ҳиссани тавсифласа ташкил топиши мумкин.

2.2.5.6. Агар асосий манбада қўшимча ва бошқа илова ҳужжатлари бўлса, жавобгарлик тўғрисида маълумотлар ундай ҳужжатлар ҳақидаги ахборотни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бу ҳолда у асосий ҳужжатга тааллуқли жавобгарлик тўғрисида маълумотлардан кейин ёзилади.

2.2.5.7. Агар бир неча шахслар ёки ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар жавобгарликнинг бир тури бўлса, у ҳолда бир-бири

билан вергул билан ажратилади , келтириладиган исмлар ва номлар сонини библиографияловчи муассаса белгилайди.

2.2.5.8. Ташкилот номини иерархик шаклда ўз ичига олган жавобгарлик тўғрисида маълумотлар ахборот манбаида қандай кўриниш ва тартибда берилган бўлса, шундай ёзилади ва бири-биридан вергул билан ажратилади.

/Тош. Давлат маданият ин-ти, “Маънавият ва маърифат” Респ.маркази

2.2.5.9. Агар бир неча турли жавобгарлик тўғрисида маълумотлар тўғрисида ахборот мавжуд бўлса, у ҳолда улар нуқта-вергул билан ажратилади. Уларнинг берилиш тартиби жавобгарлик даражасидан қатъий назар олинаётган ахборот манбаида берилиш кетма-кетлиги ёки полиграфик безатилиши билан аниқланади. Агар маълумотлар белгиланган манбадан олинган бўлмаса, у ҳолда улар мантиқий тартибда берилади.

2.3. Нашр соҳаси.

2.3.1. Соҳа ушбу ҳужжатнинг шу нашрини олдинги нашрга нисбатан ўзгариш ва (ёки) хусусиятлари тўғрисида маълумотларни ўз ичига олади.

2.3.2. Нашр ҳақидаги маълумотлар, одатда “нашри” сўзини ёки унинг ўрнини босувчи “версияси”, “даражаси”, “чиқиши” сўзларини, шунингдек санок сонлари ёки саналар билан бошқа тилдаги эквивалентини ўз ичига олади, масалан:

.- 2-нашри

.- 6/6/80 версияси

.- 1-чиқиши

2.3.3. Нашр тўғрисидаги маълумотлар юқорида санаб ўтилган сўзлар ва сонлар билан бирга яна нашрнинг олдинги нашрдан фарқини кўрсатувчи бошқа атамаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

.- янги нашр

.- кўриб чиқилган нашри

.- янги чиқарилиши

.- school ed

2.3.4. Ресурснинг мазмунида ўзгариш бўлса, қўшимчалар ёки қисқартиришлар қилинган, дастурлаш тили ўзгартирилган ёки ресурснинг самарадорлиги оширилган бўлса, нашр тўғрисидаги маълумот келтирилади.

2.3.5. Тез-тез ва мунтазам янгиланиб туриладиган узоқдан фойдаланиш мумкин бўлган ресурсга тааллуқли нашр тўғрисида маълумот эслатмалар соҳасида берилади.

2.3.6. Нашр тўғрисида маълумот нашрда қандай берилган бўлса, ўша шакл ва кетма-кетликда берилади. Нашрнинг рақам ёки сўзда берилган тартиб номери араб рақамларида ёзилади.

.- *2-нчи, таҳрири*

.- *2-нчи тўлд. ва қайта ишланган наشري*

.- *факсимил. нашр*

.- *3 nd ed*

.- *4.CD-ROM-Ausgabe.*

2.3.7. Хужжатда олдинги нашрига нисбатан жиддий ўзгаришларни аниқлашда бу ҳақидаги тегишли ахборотни библиограф тузиши ва квадрат қавсга олиниши мумкин.

.- *[Янги наشري]*

.- *[Новое изд.]*

2.3.8. Умумий сарлавҳасиз тўпламдаги алоҳида асарга тааллуқли нашр тўғрисида маълумот нашр соҳасида берилмайди, балки у тегишли бўлган асардан кейин сарлавҳа соҳасида жойлаштирилади ва олдинги маълумотдан вергул билан ажратилади.

2.3.9. Аниқ нашр билан боғлиқ жавобгарлик тўғрисида маълумотларда ушбу нашрни тайёрлашда қатнашган шахслар оти ёки ташкилотлар номи жойлашади. Маълумотлар умумий қоида бўйича берилади.

.- *Russian ed. /authorized by Mandrake Soft*

2.3.10. Нашр тўғрисидаги қўшимча маълумот асосийдан кейин вергул билан ажратиб берилади:

.- *2-чи наشري, қайта кўрилган версия*

2.4. Ресурс тури ва ҳажми соҳаси.

2.4.1. Электрон ресурснинг асосий тавсифномаси унинг тури ва ҳажми тўғрисида маълумотни ўз ичига олади. Ресурснинг

бошқа тавсифномалари, шунингдек фойдаланилиши боғлиқ бўлган тизимга талаблар эслатмалар соҳасида берилиши мумкин.

Электрон ресурслар электрон маълумотларга ва электрон дастурларга бўлинади. Электрон маълумотлар қуйидаги турларга ажратилади: матнли, овозли, график, сонли, ҳарфли, намойиш учун белгиланган ва бошқалар. Электрон дастурлар тизимли, амалий ва сервисли дастурларда тақдим этилади.

Электрон маълумотлар ва дастурларнинг ҳар бир тури қуйидаги бўлиниш даражасига эга бўлиши мумкин: масалан, сонли маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш (демографик) маълумотларида, ҳисобот маълумотларида, тизимли дастурлар-операцион тизимларда, қидирув дастурлар ва ҳ.к. келтирилиши мумкин.

Бир электрон ресурсда электрон маълумотлар ва турли типдаги дастурлар билан бирга бошқа, масалан, интерфаол мультимедиа ресурслари бирга берилиши мумкин.

Бу коидалар узокдан туриб фойдаланиладиган электрон ресурсларни тасвирлаш учун мўлжалланади, бироқ турли маҳаллий жисмоний ташувчилар – магнит, оптик, магнитооптик ҳужжатларда қўллаш мумкин.

2.4.2. Ресурс турининг ифодаланиши унда мавжуд материалларни умумлашма тавсифномасини ўз ичига олади.

- *Электрон. текстовые дан.*
- *Электрон. журн.*
- *Электрон. картогр. дан.*
- *Electronic data*
- *Electronic progr.*
- *Electronic online servise*

Агар ресурснинг икки ифодаси берилган бўлса, иккинчисидан олдин “ва” (“и”) боғловчиси ёки унинг бошқа тилдаги эквиваленти қўйилади.

- *Электрон.дан. и прогр.*
- *Electronic data and progr.*

Бу ифодаланишлар белгиланган манбада кўрсатилган бўлиши мумкин ёки ҳужжатни ўрганиш асосида тузилади ва квадрат қавсиз берилади. “Электрон” сўзи агар у ҳужжатнинг умумий ифодаланишида мавжуд бўлса, тушириб қолдирилиши мумкин.

2.4.3. Ресурснинг ҳажми маълумотлар ва (ёки) дастурларнинг ўта батафсил тавсифнома кўшилган мазмунидан иборат файллар сонидан иборат бўлади, ҳажми тўғрисидаги маълумотлар думалок қавсда берилади.

- *Электрон маълумот (1-файл)*
- *Электрон дастур (3-файл)*
- *Electronic data (1 file)*
- *Electronic text data (5 files) and retrieval program*

2.4.4. Маълумотлар ресурси учун яна ёзувлар ва (ёки) байтлар сони, дастурлар ресурслари учун матнлар, операторлар ва (ёки) байтлар сони келтирилиши мумкин. Агар файллар сони берилса, у ҳолда бошқа маълумотлар икки нуқта билан берилади. Бу маълумотлар ичида аниқловчи маълумотлардан олдин вергул қўйилади.

- *Электрон маълумотлар (3 файл) ва дастурлар (2 файл)*
- *Электрон. дан. (2 файлда: 70 тыс. записей)*
- *Электрон. прогр. (2 файлда: 18650 байтов)*
- *Электрон. прогр. (2 файл: 6000 команд. 18650 байтов)*
- *Electronic text data (2 files: 1,6 Mbytes)*

2.4.5. Бир неча алоҳида қисмдан ташкил топган электрон ресурс учун ёзувлар ва (ёки) байтлар сони ва операторлар ва (ёки) байтлар сони ҳар бир қисмга алоҳида берилиши мумкин. Ёзувлар ва (ёки) байтлар сони тахминий берилиши мумкин. Агар уни аниқлаш мумкин бўлмаса, у ҳолда эслатмада тегишли тушунтиришлар берилади.

- *Electronic data (2 files: 2540 records each) and programs (3files: 7260, 3490, 5076 bytes)*
- *Electronic text data (12 files)*
(эслатмалар соҳасида: Ўзгарувчан узунликдаги ресурс)

2.5. Чиқиш маълумотлари соҳаси

2.5.1. Чиқиш маълумотлари соҳаси электрон ресурсни нашр қилиш, ишлаб чиқиш, тарқатиш, чиқариш ва ундан фойдаланиш бўйича барча фаолият турлари тўғрисида маълумотни ўз ичига олади.

Соҳа таркибига нашр жойи, нашр (ишлаб чиқарувчи ва ҳ.к.) ва нашр санаси тўғрисида ахборот киради.

2.5.2. Белгиланган ахборот манбаида нашр (ишлаб чиқарувчи ва ҳ.к.) номи билан боғлиқ шаҳар ёки бошқа жой нашр (ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) жойи ҳисобланади.

Бир неча нашр жойи мавжуд бўлса, белгиланган ахборот манбаида биринчи кўрсатилган ёки полиграфик томондан ажратилган ном келтирилади. Тушириб қолдирилган маълумот квадрат қавсда қисқартирилган “ва бошқ”, “и др.” Ёки “etc” шаклида кўрсатилади.

. - *Тошкент [ва бошқ.]*

. - *London [etc.]*

Иккинчи ва кейинги нашр жойлари нукта вергул билан ажратилган ҳолда келтирилиши мумкин.

. - *Тошкент; Самарқанд*

. - *Ярославль; Владимир*

Нашр жойи ахборот манбаида кўрсатилган ёзувда ва падежда берилади.

. - *V Praze*

Чиқиш жойи номига идентификациялаш учун зарур бўлган кўшимчалар ва аниқликлар берилиши мумкин. Агар улар белгиланган манбада мавжуд бўлса думалоқ қавсда, ёки бошқа манбалардан олинган бўлса квадрат қавсда берилади.

2.5.3. Агар ҳужжатда нашр жойи тўғрисида маълумот бўлмаса, бироқ у маълум бўлса, у квадрат қавсда берилади. Тахминий нашр жойи сўроқ белгиси билан берилади.

. - *[Новосибирск]*

. - *[Курск]*

. - *[Самарқанд?]*

Агар шаҳарни аниқлаб бўлмаса, вилоят, штат провинция квадрат қавсда кўрсатилади.

. - *[Украина]*

. - *[Canada]*

. - *[France?]*

Агар нашр жойини аниқлаб бўлмаса, у ҳолда квадрат қавсда “б.м.” ёки “sl” аббревиатураси келтирилади.

. – [б.м.]

. – [s.l.]

2.5.4. Ношир (ишлаб чиқарувчи)нинг номи тасвирда нашр жойидан кейин жойлаштирилади ва ундан икки нуқта билан ажратилади.

Т.:

Спб.: Питер

Олинаётган ахборот манбаида фаолият юритган барча шахслар тоифалари ёки ташкилотлар тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса, асосийси сифатида ношир ёки нашр этувчи ташкилот олинади. Қолган маълумотлар тушириб қолдирилади.

Агар олинаётган ахборот манбаида биттадан кўп ношир (ишлаб чиқарувчи ва ҳ.к.)нинг номи кўрсатилган бўлса, у ҳолда ҳар қандай усул билан ажратилган ёки биринчи кўрсатилган ном келтирилади. Агар икки белги ҳам бўлмаса, у ҳолда библиографиялаётган ташкилот муҳим ҳисоблаган ном келтирилади. Иккинчи ва кейинги номлар квадрат кавс ичида қискартирилган “ва бошқ.”, “и др.” ёки “etc.” Сўзини кўрсатиш билан тушириб қолдирилади.

Москва: Знание [и др.]

(электрон ресурсда иккинчи нашр этувчи ташкилот номи берилган; НТЦ “Прогресс”)

Иккинчи ва кейинги нашр (ишлаб чиқарувчи ва ҳ.к.) номлари ҳам келтирилиши мумкин. Улар тегишли нашр жойлари билан келтирилади ва нуқта вергул билан (ёки нашр жойи бир бўлса, икки нуқта билан) ажратилади.

.- Waterloo [ontaric]: Leisure Studies Data Bank; Cnicago: National Opinion Research Center

.- Москва: Законодательства и экономика: термика.

2.5.5. Ношир (ишлаб чиқарувчи ва ҳ.к.) нинг номи ахборот манбаида мавжуд ўта қисқа шаклида келтирилади.

Зарур бўлганда унинг ролини аниқлаштирувчи ибора қўшилиши мумкин.

.- Т.: Изд-во УзНУ

.- Chicago: Follet library Book [distributor]

2.5.6. Агар ношир (ишлаб чиқарувчи ва ҳ.к.)нинг оти (номи) сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасида тўлиқ шаклда берилган бўлса, у ҳолда у бу соҳада тўлиқ шаклда, қисқа шаклда ёки тушунтириш матни сифатида такрорланиши мумкин. Қисқартирилган шакли ҳаттоки олинаётган манбада у бўлмаса-да, квадрат қавсиз берилади.

Исследовано в России [Электронный ресурс] /Моск. физ.-техн. ин-т. – Электрон. журн.-Долгопрудный: МФТИ

2.5.7. Агар олинаётган манбада кўрсатилган шахс ёки ташкилотнинг функциясини аниқлаб бўлмаса, у ҳолда улар эслатмалар соҳасида жойлаштирилади.

2.5.8. Нашр (ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) санаси сифатида олинаётган ахборот манбаида берилган йил кўрсатилади.

. – Москва: Кнорус, 1997.

.- Т.: ЎзМУ навириёти, 2003.

2.5.9. Агар йил нашрга ҳам, ишлаб чиқаришга (ва ҳ.к.) ҳам тааллуқли бўлса, у охириги номдан кейин берилади.

.- Lafayette (Ind): Gary income maintenance equipment: Pittsburgh: Social science computer research institute [distributor]. 1974

Агар нашр (ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) санаси тарқатилиш санасидан фарқ қилса, у ҳолда ҳар бир сана қайси маълумотга тегишли бўлса, шундан кейин берилади. Турли маълумотлар нуқта вергул билан ажратилади.

.- Seatty (Wash): Laser learning technologies; 1993. Nardwich (Vt): Optical transfer [distributor], 1995

2.5.10. Саналар араб рақамларида ҳужжатда қандай шаклда берилган бўлса, шундай шаклда ёзилади. Агар ҳужжатда маълумотлар бошқа йил ҳисобида берилса, квадрат қавсда сана григориан календари бўйича келтирилади, агар ҳужжатда сана хато берилганлиги аниқланса, тўғри сана ҳам квадрат қавсда берилади.

, 430 S [1973]

, 1792 [1972]

2.5.11. Агар ҳужжатда нашр (ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) санаси кўрсатилмаган бўлса, унинг ўрнига муаллифлик ҳуқуқи берилиши санаси ёки тайёрлаш санаси (квадрат қавсиз) келтирилади.

. *Соп.1998*

. *Изгот. 1996*

2.5.12. Агар бирорта санани аниқлаб бўлмаса, у ҳолда квадрат қавсда тахминий нашр (ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) санаси берилди.

. *[Ок.1990] [198-?]*

. *[1998?]*

2.6. Жисмоний тавсифномаси соҳаси

2.6.1. Соҳада маҳаллий фойдаланиладиган электрон ресурсга тегишли маълумотлар берилди.

Бу бўлимнинг қоидалари бир хил жисмоний ташувчида жойлашган электрон ресурсни тавсирлаш учун мўлжалланган. Агар бир ресурсдан турли жисмоний ташувчиларда фойдаланиш мумкин бўлса ва бир тизимда фойдаланишга мўлжалланган бўлса, у ҳолда ҳар бир жисмоний ташувчига алоҳида тасвир тузиш тавсия қилинади.

2.6.2. Соҳанинг биринчи қисми жисмоний ташувчи тегишли бўлган материалнинг ўзига хос ифодаланиши ва жисмоний birlik сонидир. Материалнинг ўзига хос ифодаланиши учун аталмалар:

Электрон микропроцессорли картриж

Электрон диск

Электрон магнитли диск

Эластик магнитли диск (дискета)

Электрон оптик диск

Интерфаол компакт-диск (CD-I)

Доимий хотирали компакт-диск (CD-ROM)

Бир марталик ёзувли компакт-диск (CD-WORM)

Интерфаол видеодиск

Магнит тасмали электрон кассета Магнит тасмали электрон ғалтак

Агар уларнинг биронтаси ҳам тўғри келмаса, “электрон” сўзи билан тегишли махсус атама кўрсатилади.

Эслатма – агар “электрон” сўзи материалнинг умумий тавсифида фойдаланилган бўлса, кейинги ҳолда тушириб қолдирилади.

Оптик дискнинг маълум турини таърифлаш материалнинг ўзига хос ифодаланишидан кейин думалоқ қавсда ёзилиши мумкин.

. - 1 электрон опт. диск (CD-ROM)

. - 1 электрон опт. диск (CD-I)

. - 1 электрон опт. диск (CD-R)

2.6.3. Бошқа жисмоний тавсифномасига овози ва (ёки) ранги тўғрисидаги ахборот киради, у олдинги маълумотлардан икки нуқта билан ажратилади.

Овози тўғрисида маълумот овозли жўрлиги бўлган ресурс учун берилади.

. - 1 электрон. диск : зв.

. - 3 electronic disks: sd.

Рангининг тавсифномаси икки ёки ундан кўп рангни экранга чиқариш учун мўлжалланган ресурс учун берилади.

. - 1 электрон. опт.диск (CD-R):зв., цв.

. - 2 electronic tape cassettes: col.

2.6.4. Тасвирда келтириладиган асосий ўлчамлар, ўрам ўлчамидан қатъий назар жисмоний ташувчининг ўлчамига эластик ёки оптик дисклар учун, шунингдек тасмали ғалтаклар учун сантиметрда диаметри кўрсатилади. Тасманинг узунлиги ва кенлиги кўрсатилиши мумкин. Агар ресурс турли ўлчамдаги бир хил жисмоний ташувчидан иборат бўлса, у ҳолда чизик орқали энг кичик ва энг катта жисмоний ташувчининг ўлчамлари кўрсатилади. Шунингдек картрижнинг юза устининг узунлиги ҳам кўрсатилади.

. - 1 электрон. гиб. диск (IBM PC): 14 см

. - 3 electronic disks: 9-14 см

Электрон дисклар тўплами каби қутига ўралган ҳужжатлар учун контейнернинг ўлчамлари келтирилиши мумкин.

: в контейнере, 12x36x20 см

2.6.5. Илова материали тўғрисида маълумот ҳамкорликда фойдаланиш (масалан, электрон диск овозли кассета ва брошюра билан биргаликда) учун мўлжалланган ҳар қандай алоҳида жисмоний материал мавжуд ҳолда берилади.

Илова материали тўғрисида маълумотнинг ёзуви у қандай хил ҳужжатга тегишли бўлса, шу ҳужжатга тегишли қоида бўйича бажарилади.

Илова материалнинг қисқача жисмоний тавсифномаси у тегишли бўлган ҳужжатнинг жисмоний тавсифномасидан кейин берилади.

. - 1 электрон микропроцессор картридж; 19x19 см., 7 мм. лента: цв.+1 зв. кассета (17 мин.)

. - 2 electronic disks; 9 см.+user manual (110 p., 23 см.)

2.6.6. Узоқдан фойдаланиладиган электрон ресурсни тасвирлашда жисмоний тавсифномаси соҳаси йўқ; илова материали эслатмада қайд қилинади.

2.7. Сериялар соҳаси

2.7.1. Сериялар соҳаси электрон ресурснинг барча қисмлари бир серия ёки серия остида нашр қилинса (ёки нашр қилиниши мўлжалланса) қўлланилади. Серия соҳаси такрорланиши мумкин. Ҳар бир серия тўғрисида маълумот думалоқ қавсда берилади ва ўзаро бўш жой билан ажратилади.

. - (XX аср ўзбек романи)

. - (Аср ошган асарлар)

. - (CD для дизайнера)

. - (мультимедийные обучающие серии)

. - (abc) (Весь мир в 3 D)

2.7.2. Сериянинг асосий сарлавҳаси тасвирда серияли нашрларга хос қондани ҳисобга олган ҳолда тузилади, у айниқса сериянинг умумий ва боғлиқ сарлавҳаси мавжуд ҳолларда

зарурдир. Одатда сериянинг сарлавҳаси асосий сарлавҳа сифатида, боғлиқ сарлавҳа сифатида эса серия остида чиққан нашр сарлавҳаси келади.

.- (*National income patterns. Series 3, Indonesia*)

2.7.3. Агар серия остида чиққан ресурснинг мустақил сарлавҳаси бўлса, у серия соҳасида асосий сифатида ёзилади, умумий сарлавҳа эслатмада берилади.

.- (*Applied statistics and econometrics; 27*)

(*эслатма соҳасида: Сериянинг умумий сарлавҳаси: Multicollinearity and estimation studies*)

2.7.4. Агар тасвир объекти бир неча алоҳида қисмдан иборат ресурснинг қисми бўлса, ресурснинг умумий сарлавҳаси сериянинг асосий сарлавҳаси бўлиши мумкин.

.- (*Большая автомобильная энциклопедия; 4.2.*)

2.7.5. Олинаётган ахборот манбаида сериянинг ёки серия остидаги ресурснинг параллел сарлавҳаси бўлса, улар тасвирда сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисида маълумотлар соҳасида параллел сарлавҳани бериш қондаси бўйича киритилади.

.- (*Talk now=Начните говорить прямо сейчас*)

2.7.6. Серия ёки серия остидаги ҳужжат сарлавҳага тегишли маълумот агар уларни идентификациялаш учун зарур бўлса, улар кўрсатилиши мумкин. Серияга тегишли нашр тўғрисидаги маълумот серия сарлавҳасига тегишли маълумот сифатида қаралади.

.- (*New series: museums and art collections in Russia*)

.- (*Computer simulation models: 2 nd ed.*)

2.7.7. Агар серия ёки серия остида чиққан нашрнинг асосий сарлавҳаси бир хил бўлса жавобгарлик тўғрисида маълумот келтирилади. Бошқа ҳолларда жавобгарлик тўғрисида маълумот тушириб қолдирилиши мумкин.

.- (*Bibliographical databases /INION*)

2.7.8. Агар ресурсда сериянинг халқаро стандарт номери кўрсатилган бўлса, у ҳам тасвирда берилади. Ундан олдин вергул қўйилади.

.- (*Elservier`s interactive anatomy, ISSN 0929-2225*)

2.7.9. Серия ёки серия остидаги нашрнинг чиқиш сони ҳужжатда берилган терминларда берилади ва олдинги маълумотлардан нукта вергул билан ажратилади.

2.8. Эслатмалар соҳаси

2.8.1. Эслатмалар тасвирнинг олдинги қисмларини тўлдиради ва электрон ресурсни жисмоний расмийлаштиришнинг ҳар қандай томони ва (ёки) унинг мазмунига тегишли бўлиши мумкин. Улар тасвирга тўлиқ ёки алоҳида соҳаларига тегишли бўлиши мумкин, бироқ маълумотни ўз ичига олиши ҳам мумкин. Эслатмалар гуруҳланади ва тасвир соҳаларининг келиш тартибига мувофиқликда берилади, бироқ айрим ҳолларда энг муҳим деб ҳисобланган эслатмалар биринчи берилиши мумкин.

Эслатмалар ихтиёрий ҳисобланади, бироқ муҳимлигидан мажбурий ҳисобланган қатор эслатмалар мавжуд.

Ҳар бир эслатма кейингисидан нукта ва тире билан ажратилади. Агар ҳар бир эслатма алоҳида қаторда берилса, тире тушириб қолдирилади.

2.8.2. Тизимий талаблар тўғрисида эслатмалар (эслатмалар соҳасида биринчи берилади) маҳаллий фойдаланиладиган ресурслар учун мажбурий. У бир неча техник таснифларни қуйидаги тартибда ўз ичига олади:

Компьютернинг номи, модели эркин ва (ёки) тезкор хотираси, ҳажми жараёнлар тизимининг номи

Дастурий таъминоти (зарур ҳолларда дастурий тилини ўз ичига олган ҳолда)

Периферияли қурилмаси

Техник воситалари

Бу маълумотлар олдидан “Тизимий талаблар” (Систем. требования) ёки ёнинг бошқа тилдаги эквиваленти (масалан “*Sistem requirements*” ва ҳ.к.) ибораси берилади. Турли маълумотлар бир-биридан нукта вергул билан ажратилади.

.- Систем. требования: Wang PC, NEC APC, Or DEC, Rainbow; 128 Kb; MS-DOS; Col. /graphic monitor adapted eard

.- *Систем. требования: CVT 101 dedicated terminal*
. - *Sistem_requirements: IBM compatible PC with 386 processor higher; 4 MB RAM; MS-DOS 5.0 or higher; MS windows 31 or higher; 5 MB free spare on the hard disk; DIN/ISO 9660 CD-ROM drive: mouse*

2.8.3. Фойдаланиш қоидлари тўғрисида эслатма (тизимий талаблар тўғрисида эслатмалар бўлмаганда биринчи берилади). Бу эслатма узокдан фойдаланилувчи электрон ресурсни тасвирлашда мажбурийдир ва ундан олдин “фойдаланилиш тартиби” сўзи ёки унинг бошқа тилдаги эквиваленти (масалан “*Mode of access*” ва ҳ.к.) кўйилади.

.- *Режим доступа: Computer university network*

.- *Режим доступа: http://www.un.org*

.- *Mode of access: Mikenet*

Тасвирланаётган электрон ресурсда мавжуд асар тили тўғрисида эслатма.

.- *Нем.*

.- *Текст на экране фр., англ.*

2.8.4. Электрон ресурсда берилган асарнинг таржимаси ёки қайта ишланганлиги тўғрисидаги эслатмалар асарнинг асл нусхаси сарлавҳаси билан келтирилади (агар у ҳақидаги маълумот ахборот манбаида мавжуд бўлса).

. – *Пер. произведения: Als de dood*

. – *Адаптация произведения: Draculus. 1999*

Дастурлаш тили тизимий талаблар тўғрисидаги эслатмада кўрсатилади.

2.8.5. Асосий сарлавҳа манбаи тўғрисидаги эслатма мажбурий ҳисобланади.

.- *Загл. с титул. экрана*

.- *Загл. с контейнера*

.- *Загл. с папки*

.- *Загл. с домашней страницы Интернета*

.- *Загл. из техн. документации DUA Labs ST-5.*

2.8.6. Сарлавҳалар вариантлари (асосий сарлавҳа сифатида танланган сарлавҳалардан бошқалари), шунингдек сарлавҳа

соҳасида кўрсатилмаган параллел сарлавҳалар ва сарлавҳага тегишли маълумотлар.

.- *Загл. на контейнере: Spelling adventures*

.- *Второе загл. на экране: Personal finances and other applications*

2.8.7. Жавобгарлик тўғрисида маълумотларга эслатмалар электрон ресурсдан олинмаган жавобгарлик тўғрисида маълумотларни, функцияси аниқланмаган шахслар ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ҳужжатнинг олдинги наشري билан боғлиқ шахслар ва ташкилотлар тўғрисида маълумотларни, ва сарлавҳа соҳасида кўрсатилмаган шахслар ва ташкилотлар тўғрисидаги бошқа маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

.- *Информ.сост. в соавт. С Christiane Klapish*

.- *Систем. дизайнер Нему Letow; зв. L.F. Acoustics*

2.8.8. Агар нашр тўғрисидаги маълумотлар манбаи асосий сарлавҳа манбаидан фарқ қилсагина нашр тўғрисида маълумотлар манбаи тўғрисида эслатма (изоҳ) берилади.

.- *Сведения об изд. с буклета*

.- *Сведения об изд. из информ. в конце ресурса*

2.8.9. Электрон ресурснинг библиографик тарихи тўғрисида эслатмалар узокдан фойдаланиладиган электрон ресурснинг тез ўзгарадиган мазмуни ёки унинг даврийлиги тўғрисидаги кўрсатмани ўз ичига олиши мумкин. Улар яна бу ресурснинг бошқа нашрлар билан алоқасини ҳам кўрсатиши мумкин.

.- *Корректируется еженедельно*

.- *Электрон. версия печ. публикации 1989*

.- *Основана на: Health interview survey 1996*

Эслатмада электрон ресурснинг мазмуни, ҳолати ва фойдаланилишига тааллуқли саналар келтирилиши мумкин.

.- *Сведения собраны за май-июнь 1998 г.*

.- *Данные соответствуют 1996г.*

2.8.10. Ресурснинг тури ва ҳажми соҳасидаги эслатмалар ресурснинг ўлчами, жумладан ўлчами аниқланмаганлиги илова материали тўғрисидаги аниқловчи маълумотлар ва ҳ.к. тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олиши мумкин.

.- Ресурс ўлчами аниқланмаган

.- Сведения сопровождают серией из 3 прогр. В РЛІ

2.8.11. Жисмоний тавсифномаси соҳасини тўлдирувчи маълумотлар электрон ресурснинг жисмоний тавсифномаси тўғрисида эслатма: жисмоний ташувчининг вариантлари тўғрисида бир тасвир объектидаги турли тоифа материаллари ўртасидаги ўзаро алоқалар, бошқа ташувчидан шунга ўхшашликнинг мавжудлиги ва бошқалар.

.- Сведения выдаются в микроформах

.- ФОРТРАН IV, уровень H

.- Имеется печ. аналог

2.8.12. Серия соҳасидаги эслатмалар тегишли соҳада келтирилмаган серия тўғрисида маълумотларни ўз ичига олади.

.- Общ. загл. сер.: *Multicollinearity and estimation studies*

2.8.13. Мазмуни тўғрисидаги эслатмалар одатда “Мунд.”, “Содерж.” Ёки “Contents” сўзлари билан бошланиб, ундан кейин алоҳида асарлар ёки хужжатнинг таркибий қисми рўйхати унга тааллуқли маълумотлар, жавобгарлик, ҳажми тўғрисида ва ҳ.к. билан бирга берилади.

Мазмуни тўғрисидаги эслатмаларда яна кўрсаткичлар, қўшимча варақа, илова ва бошқалар киритилганлиги ҳам қайд этилади.

Электрон ресурснинг қисмига 8 иловага мувофиқ алоҳида ёзув тузилиши мумкин.

.- Содерж.: 1.1985-1989; 2. 1990-1997

.- Содерж.: *CD-ROM data (1:29). The young person's guide to the orchestra (16:27). Extra audio examples (55:43)*

2.8.14. Электрон ресурсларнинг фойдаланилиш қоидалари тўғрисидаги эслатмалар хужжатнинг чекланган адади ва тарқатилишининг чекланганлиги тўғрисида маълумотни ўз ичига олади.

.- Тираж 250 экз.

.- Публичное пользование ограничено

2.8.15. Узокдан фойдаланилувчи ўзгарувчан ресурснинг тасвири қандай маълумотлар асосида олинганлигини аниқловчи эслатмалар.

.- Описание основано на Vol. 3, No. 3 (May/June 1995)

.- Description based on home page data: 09/06/96

2.8.16. Тасвир объекти камраб олган мавзулар ва предметларнинг аниқ рўйхати берилган, шунингдек махсус технология ва жараёнлардан фойдаланиш бўйича ахборот берилган резюмени ўз ичига олган эслатма.

2.8.17. Электрон ресурснинг фойдаланилиш тавсиявий ёки потенциал хусусиятли мақсади, унинг китобхонлик доираси тўғрисида ахборотни ўз ичига олган эслатма.

.- Только для специалистов библиотеки

.- Для 3-6-летнего возраста

.- Ресурс закрыт то 2020 г.

.- Предназначен для студентов вузов со знанием алгебры

2.8.18. Сонлари тўғрисидаги эслатма электрон ресурсга тегишли барча сонларни ўз ичига олади (ISBN ва ISSNдан ташқари).

.- Контейнерда сони: UH 4R SQ-TB8CCM

2.8.19. Библиографияловчи ташкилот учун зарур бўлган бошқа ахборотни ўз ичига олган бошқа эслатмалар файл номи, ресурсдаги материалнинг бошқа манбадан нусхасини олиш санаси ёки бошқа манбалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

2.9. Стандарт номери соҳаси (ёки унинг альтернативи ва фойдаланиш қоидалари)

2.9.1. Маълумотлар умумий қоида бўйича берилади. Агар электрон ресурс бир нечта стандарт номерига эга бўлса, агар ресурс биттадан ортиқ ташувчида жойлашган ёки биттадан ортиқ ношир (ишлаб чиқарувчи ва ҳ.к.) томонидан яратилган бўлса соҳа такрорланади.

Танилаётган объектнинг идентификацияловчи стандарт номери биринчи кўрсатилади. Иккинчи ва кейинги номерлар қавсга олинган тушунтиришлар билан берилади.

.- ISBN 3-598-40396-8

.- ISBN 0-13-942012-6 (disk)

.- ISBN 0-13-942004 (cassette)

.- ISBN 0-340-16427-2 (ошибоч.)

Сериял электрон ресурснинг асосий сарлавҳаси ГОСТ 7.1. бўйича берилади.

2.9.2. Фойдаланиш тартиб қоидалари сифатида нархи, электрон ресурсни олишдаги шартлар ёки чекланишлар кўрсатилиши мумкин.

.- ISBN 0-13-94004-5X : free to educational institutions

Умумий сарлавҳасиз электрон ресурс тўпламларининг библиографик ёзуви

А.1. Умумий сарлавҳасиз тўплам бўлган электрон ресурснинг тасвирини тузишда сарлавҳа соҳасида маълумотлар қуйидагича ёзилади:

- олинаётган манбада берилган алоҳида асарнинг сарлавҳаси

2.2.1. моддага мувофиқ ёзилади;

- сарлавҳага тегишли маълумот ва жавобгарлик тўғрисида маълумотлар улар тегишли бўлган ҳар бир сарлавҳадан кейин тегишли белгилар қўйиб ёзилади. Барча сарлавҳалар учун умумий маълумотлар охирида алоҳида маълумотлардан кейин, зарур ҳолларда тушунтиришлар билан; агар бу қийин бўлса, у ҳолда умумий маълумотлар эслатмалар соҳасида жойлаштирилади;

- алоҳида асарларга тааллуқли қайта нашр қилиниши тўғрисида маълумотлар ушбу асар тўғрисидаги бошқа маълумотлардан кейин сарлавҳа соҳасида ёзилади, ундан олдин вергул қўйилади. Нашр тўғрисидаги барча асарлар учун умумий маълумотлар нашр соҳасида сарлавҳа соҳасидан нукта тире билан ажратиб ёзилади.

Қолган маълумотлар умумий қоида бўйича ёзилади.

Асосий ёзув

Противостояние [Электронный ресурс]; Опаленный снег /ДОКА Софрану.-Электрон. дан. и прогр. – Москва: ДОКА, 1998.-2 электрон. опт. диска (CD-ROM)+1 бр. (27 см).- (Наши игры).- Систем. требования: от 486 Дх2; 66 МГц; видео плата 1 Мб (VESA); зв. плата SB-совместимая; DOS 6,2 или выше; Windows 95.-Загл. с этикеток дисков. - № гос. регистрации 0329800240, 1000 экз.

Иккинчи асарга қўшимча ёзув

Опаленный снег

Противостояние [Электронный ресурс]; Опаленный снег /ДОКА Софтпу.-Электрон. дан. и прогр. – Москва: ДОКА, 1998.-2 электрон. опт. диска (CD-ROM).

Асосий ёзув

Английский для бизнесменов [Электронный ресурс]; Английский технический; Английский для чтения газет и журналов: [к сб. в целом]: курс изучения иностр. яз. Intell.-Электрон. дан. и прогр.- Москва: сор. Квант, 1994-1997.-1 электрон. опт. диск (CD-ROM); зв., цв.- (25 кадр).- Систем. требования: IBM PC AT 386; 4 Мб ОЗУ; MS Windows 3.1 и выше; 2-скоростной CD-ROM; VGA-видеокарта (или выше); зв. карта; мышь.-Загл. с этикетки диска.

Иккинчи ва учинчи асарга қўшимча ёзув

Английский технический.

Английский для бизнесменов [Электронный ресурс]; Английский технический; Английский для чтения газет и журналов: [к сб. в целом]: курс изучения иностр. яз. Intell.-Электрон. дан. и прогр.- Москва: сор. Квант, 1994-1997.-1 электрон. опт. диск (CD-ROM).

Английский для чтения газет и журналов.

